



ҲИСОБЧИГА ҲИСОБСИЗ ЖАЗО

Мамарасул Расулов 1900 йили Андижон тумани Миробод қишлоғида, оддий деҳқон оиласида туғилган. 1914-1915 йилларда қишлоқдаги жадид мактабида Муҳаммадjon Раҳимовдан дастлабки таълими олади. 1918-1919 йилларда Тошкентдаги ўқитувчилар тайёрлаш мактабида ўқийди. Ўқишни тамомлагандан кейин Андижонга қайтади-ю, қутилмаганда Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси томонидан “босмачилик” ҳаракатида хайрихоҳликда айбланиб, қамоққа олинади. Айбловлар тасдиғини топмагач, бир ойдан сўнг озод қилинади.

(Давоми 7-саҳифада) ➔



ЕТТИКУНЛИК

МИНТАҚАВИЙ ИНТЕГРАЦИЯ, ЯНГИ ТОШКЕНТ МОДЕРНИЗМИ

Ўтаётган ҳафтада Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсий ҳаётида қатор муҳим воқеалар юз берди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг фаол иш жадвали, унинг энергетикадан тортиб бунёдкорликкача, минтақавий ҳамкорликдан глобал маданий эътирофгача бўлган кенг қамровли фаолияти мамлакатнинг изчил тараққиёт йўли чизиларини намоён қилади.



ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ СТРАТЕГИК ВАЗИФАЛАР

Халқимизда чироқ нафақат ёруғлик тимсоли, балки ҳаёт бардавонлиги, анъана боқийлиги, хонадон ва оила тинчлиги каби ўнлаб тамсилга эга рамз ҳисобланади. Ўзимиздан орттириб, ёндош давлатларга электр энергияси етказиб бериш замирида ҳам муро-саи мадорадан кўра меҳр-оқибат, ҳурмат-эҳтиром туйғуларини усту-

вор. Бугун энергетика ёруғлик ва иссиқлик қамровидан чиқиб, иқтисодий ҳамда ижтимоий тараққиёт воситасига айланди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ёқилғи-энергетика тармоғининг бугунги ҳолати, мавжуд муаммолар ва истиқболдаги устувор вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилиши мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлиги учун ўта муҳим аҳамият касб этди. Нега-

ки, энергетика — иқтисодиётнинг барқарорлиги, саноат ва тадбиркорлик ривожини, аҳоли фаровонлиги билан бевосита боғлиқ бўлган стратегик тармоқдир. Йиғилишда таъкидланганидек, сўнгги йилларда соҳага катта ҳажмда инвестициялар жалб қилинди, янги электр ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди, электр ва газ тармоқларини модернизация қилиш бўйича салмоқли ишлар бажарилди. Хусусий сектор ва хорижий инвес-

торлар иштирокини кенгайтириш учун зарур ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар яратилди.

Давлатимиз раҳбари тизимда ҳамон учраётган камчиликларни чуқур таҳлил қилиб, муаммоларнинг асосий сабабларини кўрса-тиб берди.

Энергетика соҳасидаги асосий масала маблағ етишмовчилиги билан эмас, балки бошқарув сифати, ижро интизоми, раҳбарларнинг масъулияти ва натижадорликка ёндашуви билан боғлиқ. Бу эса барчадан янгича фикрлаш, аниқ ҳисоб-китоб асосида ишлаш, аҳоли ва тадбиркорлар манфаатини биринчи ўринга қўйишни талаб этади. Йиғилиш энергетика секторида тизимли ўзгаришларнинг давом этишидан далолат беради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, ҳудудларнинг жадал ривожланиши, аҳоли со-нининг табиий ортиб бориши ва иқтисодий фаолликнинг мисли қўрилмаган даражада жонланиши мамлакатнинг энергетика инфра-тузилмасига бўлган талабини кес-кин оширмоқда.

(Давоми 2-саҳифада) ➔



ИЛМ ЙЎЛИ

ОЙДИН КЕЛАЖАКНИ КЎЗЛАБ...

Ўзбекистон
Республикаси Олий
таълим, фан ва
инновациялар вазири,
иқтисод фанлари
доктори, профессор
Қўнғиротбой ШАРИПОВ
билан суҳбат



— Домла, биламизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда олий таълим қамровини кенгайтириш, таълим сифатини ошириш, илмий салоҳиятни мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Қолаверса, тизимдаги мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш, илм-фанни иқтисодиёт билан узвий боғлаш, таълим ва тадқиқот интеграциясини чуқурлаштириш долзарб вазифа бўлиб келаётир. Мана шу ўзгаришлар самарасини нималарда кўрасиз?

— Кейинги ўн йилдаги ўзгаришлар ичида энг кўп ислохот олий таълимда бўлди, десак, адашмай-миз. Сон ва сифат нуктаи назаридан тизимда жуда кўп ижобий ўзгаришлар юз берди. Бу халқимиз ҳаётида ҳам яққол кўринмоқда. Ав-

валлари 60 минг абитуриент олий таълимга кириш имтиҳонларидан ўтарди, бу жами коллеж ва лицей битирувчиларининг 9 фоизи эди. Яъни, уларнинг ўндан бири ўқишга кирган. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг кенг қамровли, ортга қайтмас ислохотлари натижасида бугун олий таълимда манзара бутунлай янги қиёфа касб этди.

Биринчи навбатда таълим шакли кўпайтирилди. Ёшлар фақат кундузги ё бир мuddат сиртки бўлимда ўқиган бўлса, кейин масо-фавий таълимга рухсат берилди. Босқичма-босқич гибрид ва дуал таълимга рухсат берилмоқда. Бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Ҳаммаси талабаларнинг эҳтиёж ва тақли-фидан келиб чиқиб белгиланяпти. Натижада мактабни битирганлар-нинг 44 фоизи талабага айланяпти.

(Давоми 3-саҳифада) ➔

ФАКТ

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикасининг олий давлат мукофотларидан бири — I даражали “Манас” ордени билан тақдирланди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Чўлпонота шаҳрида Марказий Осиё ва Озарбайжон давлат раҳбарларининг норасмий Маслаҳат учрашувида ишти-рок этади.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Сади-р Жапаров Иттифоқчилик муно-сабатлари тўғрисида-ги шартномани имзо-ладилар.



30 ИЮЛЬ – ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ КУНИ



ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ

Ирина ТОКАРЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик палатаси
депутати:

— Мен Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик маса-лалари қўмитасининг аъзоси сифатида Миллатлараро муносабатлар ва хориж-даги ватандошлар масалалари бўйича қўмита фаолиятини мунтазам кузатиб бораман. Мазкур қўмита Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 мартдаги “Умуммиллий тотувлик ва

хориждаги ватандошлар билан алоқа-ларни мустаҳкамлашни янги босқичга олиб чиқишга оид чора-тадбирлар тўғ-рисида”ги фармони асосида ташкил этилган. Давлатимиз раҳбарининг ушбу қўмита фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида қарори ҳам имзоланган. Икки тарихий ҳужжат қўмитани мамлакатимизда умуммиллий тотувлик, бирдамлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, барча фуқароларга тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш, кўп мил-латли халқимизнинг Ўзбекистонимиз

фаровонлигига дахлдорлигини кучай-тириш, хориждаги ватандошлар билан алоқаларни ривожлантиришга замин яратди.

Бундан беш йил олдин муҳтарам Пре-зидентимиз Шавкат Мирзиёев “Халқлар дўстлиги кўчини белгилаш тўғрисида”ги Қонунни имзолади ва шундан буён мам-лакатимизда ягона ва аҳил оила бўлиб яшаб келаётган 130 дан зиёд миллат ва элатлар вакиллари 30 июлни байрам си-фатида кенг нишонлаб келмоқда.

(Давоми 2-саҳифада) ➔



ВАТАН МАНЗУМАСИ

Эшқобил ШУКУР

ҚОРАҚАЛПОҒИМ

Туркий эллар ичра сара аймоғим,
Яхши-ёмон кунда қошу қабоғим.
Дунё яралгандан қиёмат қадар
Худо юрагимда ёққан чироғим —
Қорақалпоғим!

Минг йиллик йўлларда йўлдошим ўзинг,
Дилим оғриганда сирдошим ўзинг.
Бошимда тегирмон айланган пайтлар,
Қоядай қўл чўзган бардошим ўзинг.

Бежама сўзларга тобим йўқ менинг,
Хуш кўрмам мақтовнинг пуч безакларин.
Рост айтсам, сурхонлик сингилларимнинг
Қўнғиротда кўрдим эгизакларин.

Оқшомлар кўксимга туйғулар тўлса,
Соғинчлар палагин ёйган паллада.
Кўнглимнинг тенг ярми Тошканда бўлса,
Ярми кезиб юрар Эллиққалъада.

Бовури-м, бошингда бахт қуши балқсин,
Кўнглимда кўп сенга меҳрим ва сўзим.
Сен менда ўзингни кўрганинг каби
Мен ҳам мудом сенда кўраман ўзим.

Инимсан, оғамсан, суянч ардоғим,
Юрагим йўлдоши — қорақалпоғим!



Бошланиши 1-саҳифада.

Замонавий саноат корхоналари, янги барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивлари ва тадбиркорлик субъектларининг узлуқсиз ишлаши тўғридан-тўғри барқарор ва сифатли энергия таъминотига боғлиқдир. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, энергетика тизimini шунчаки бугунги эҳтиёж асосида эмас, балки келгуси демография ва иқтисодий ўсиш суръатларини олдиндан прогноз қилган ҳолда стратегик режалаштириш кун тартибидagi энг долзарб вазифага айланди.

Шу ўринда Давлатимиз раҳбари белгилаб берган асосий мезонларга тўхталсак. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига электр ва газни ҳеч қандай узилишларсиз, белгиланган техник параметрлар асосида етказиб бериш, энергетика инфратузилмасини ҳар бир туман ва вилоятнинг иқтисодий ривожланиш суръатларига мослаштириб модернизация қилиш, электр ва газ узатиш тармоқларидаги техник ва тижорий йўқотишларни минимал даражага тушириш, энергия самарадорлигини ошириш шулар жумласидан.

Анъанавий ёқилғи манбаларига (газ, кўмир) қарамликини камайтириш ва экологик барқарорликини таъминлаш учун қайта тикланувчи энергия манбаларини (куёш ва шамол станциялари) кенг жорий этиш изчил давом эттирилади. Ўзбекистонда куёш ва шамол энергетикаси бўйича йирик мега лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мақсад – энергетика балансида “яшил” манбалар улушини кескин ошириш, газ ресурсларини тежаш ва қайта ишлаш саноатига йўналтиришдир. Бу билан бир қаторда саноат корхоналари ва ижтимоий объектларда энергия тежовчи технологияларни ўрнатиш оммалаштирилмоқда.

ЯНГИ ТОШКЕНТ – КЕЛАЖАК ШАҲРИ

Президент Шавкат Мирзиёев Янги Тошкент шаҳрида олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишди. Бу ташиф пойтахтнинг янги қисми нафақат турар-жой, балки илм-фан, таълим ва спорт марказига айланаётганини яна бир бор кўрсатди.

Давлат раҳбарига шаҳарнинг кенг кўламли макети ва рақамли харитаси асосида қурилишларнинг умумий бориши, йирик объектларнинг ўзаро жойлашуви ҳамда навбатдаги бунёдкорлик режалари ҳақида ахборот берилди. Транспорт ва муҳандислик инфратузилмасини қурилишлар билан уйғун ривожлантириш, яшил ҳудудлар ва жомоат маконларини ўзаро боғлаш, Янги Тошкентни пойтахтнинг амалдаги ҳудуди билан узвий боғлаш масалалари кўриб чиқилди.

Бошланиши 1-саҳифада.

Сана муносабати билан Президент табриги эълон қилиниши эзгу анъанага айланди. Буларнинг барчаси минтақамизда қадим даврлардан буён давом этиб келаётган этник хилма-хилликнинг Янги Ўзбекистон шароитида янгича маъно-мазмун ва аъналарга эга бўлиб бораётганига ёрқин мисолдир.

Барчани биргаликда нишонлаётганимиз – Халқлар дўстлиги куни билан чин қалбимдан табриклайман! Барча миллат ва конфессиялар вакиллари ҳамда хориждаги ватандошларимизга сийхат-саломатлик, фаолиятларида юксак зафарлар, оилавий бахт, хонадонларига файзу барака тилаб қоламан!

Мобил МАМЕДОВ, Озарбайжон миллий маданият маркази раҳбари:

– Биз ўз тақдиримиз ва келажагимизни жонажон Ўзбекистон билан боғлаганимиздан бахтиёримиз. Шу муқаддас Ватаннинг ажралмас қисми сифатида юрт тараққиётига, тарихий ватанимиз билан мамлакатимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиб келаётганимиздан фахрланамиз. Ёш авлодни ҳам ана шу эзгу қадриятлар руҳида тарбиялашнинг ўзимиз учун муҳим вазифа деб биламиз.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган йили 16 ноябрь куни Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди. Саммитда Озарбайжон Маслаҳат учрашувлари форматига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қўшилгани мамнуният билан эълон қилинди. Ўзбекистон етакчиси таъкидлаганидек, бу қарор муштарак тарих, қардошлиқ ришталари, маънавий ва маданий

Янги Тошкент қурилишининг биринчи босқичи доирасида бунёд этилаётган Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети кампусида ректорат ва айрим факультетлар биноларида якуний қурилиш ва пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Кампус ўқув бинолари, илмий лабораториялар, ахборот-ресурс маркази, электрон кутубхона, талабалар турар жойлари, спорт ва маданият иншоотларини ўз ичига олади.

Янги Тошкентнинг асосий илм-фан ва маърифат масканларидан бири сифатида барпо этилаётган кутубхона биносида қурилиш ишларининг 90 фоизи бажарилган ва жорий йилда фойдаланишга топшириш режалаштирилган. У 30 минг квадрат метрдан ортиқ майдонга эга бўлиб, бир вақтнинг ўзига 1 минг 420 нафар китобхонга хизмат кўрсата олади. Унда кўзи ожиз фуқаролар учун махсус шароитлар ҳам яратилади.

Эпик гектар майдонда барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” университети кампуси 10 минг нафар талабага мўлжалланган бўлиб, таълим, илмий тадқиқот, инновация ва талабалар ҳаётини ягона муҳитда уйғунлаштирилади.

55 минг томошабинга мўлжалланган замонавий футбол стадиони қурилиши 2025 йил ноябрь ойида бошланган бўлиб, ҳозирда бунёдкорлик ишларининг 65 фоизи бажарилган. Стадион 2027 йилда 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг асосий аренаси сифатида хизмат қилади. У ФИФАнинг барча талабларига мувофиқ қурилмоқда ва “яшил энергия”, “ақлли бошқарув” тамойилларига асосланган. Бунёдкорлик ишларининг бундай жадал суръатларда олиб борилиши Янги Тошкентни замонавий илм-фан, таълим ва спорт марказига айлантиришга қаратилган стратегик мақсадларни акс эттиради.

САУДИЯ БИЛАН ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

28 июль куни Президент Шавкат Мирзиёев Саудия Арабистони Подшоҳлиги соғлиқни сақлаш вазири Фаҳад бин Абдулрахмон ал-Жалажил бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашувда Саудия Арабистонининг етакчи компания-

лари раҳбарлари ҳам иштирок этди.

Сўнгги йилларда икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг жадал ривожланаётгани, айниқса, “ACWA” компанияси билан йирик қўшма лойиҳалар амалга оширилаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Мулоқот давомида Ўзбекистонда тиббиёт соҳасини рақамлаштириш ва модернизация қилиш, фармацевтика тармоғини тартибга солиш, кадрлар тайёрлаш, кўп тармоқли шифохона барпо этиш масалаларига эътибор қаратилди. Учрашув якунида янги лойиҳа ҳамда ташаббусларни амалга оширишни назарда тутувчи “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга келишиб олинди. Бу тиббиёт соҳасидаги ислохотларнинг яна бир амалий қадамидир.

МАДАНИЙ МЕРОС ВА ЖАҲОН ЭЪТИРОФИ: ЮНЕСКО РҲҲАТИДАГИ ТОШКЕНТ МОДЕРНИЗМИ



ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси кўмитасининг Корея Республикаси Пусан шаҳрида бўлиб ўтган 48-сессиясида Ўзбекистон учун тарихий аҳамиятга эга воқеа юз берди. “Тошкент модернизм меъморчилиги. Марказий Осиёда замонавийлик ва аъналар” миллий номинацияси ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхати киритилди. Бу билан Тошкентнинг XX аср иккинчи ярмига оид 10 та ноёб меъморий иншооти халқаро миқёсда эътироф этилди.

Рўйхатга “Марварид” турар жой биноси, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, “Халқлар дўстлиги” саройи,

Ўзбекистон давлат санъат музейи, Тошкент давлат цирки, Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар зали, Ўзбекистон миллий кино санъати саройи, “Эски Жува” (Чорсу) бозори, “Космонавтлар” метро бекати ва “Қуёш” гелио-комплекс каби иншоотлар киритилди.

Президент Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева таъкидлаганидек, бу фақатгина бир нечта бинонинг эмас, зилзиладан кейинги Тошкентнинг қайта бунёд этилиши билан боғлиқ бутун бир даврнинг эътирофидир.

МИНТАҚАВИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ЙЎЛИДА

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаевнинг тақлифига биноан 29 июль куни амалий ташриф билан Остонада бўлиши ҳафтанинг муҳим ташқи

спортчилари иштирок этапти.

Президентимизнинг мусобақанинг очилиш маросимида иштирок этиши замирида чуқур сиёсий ва дипломатик мақсадлар ётади. Бундай йирик маданий-спорт тадбирлари давлат раҳбарларига расмий протоколлардан холи равишда, эркин ва самимий муҳитда икки томонлама алоқаларни муҳокама қилиш имконини беради.

Қозоғистон – Ўзбекистоннинг энг йирик ташқи савдо ҳамкорларидан бири. Икки томонлама товар айланмаси изчил ўсиб бормоқда ва яқин йилларда уни 5 млрд. доллардан 10 млрд. долларгача етказиш режалаштирилган. Биргаликда қатор қўшма лойиҳалар амалга ошириляпти. Машинасозлик (автомобилларни йиғиш корхоналари), қурилиш, фармацевтика ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Чегара ҳудудида “Марказий Осиё” халқаро саноат кооперацияси маркази ташкил этилмоқда, бу эса божсиз савдо ва ишлаб чиқаришни янги босқичга олиб чиқади.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг кучларини бирлаштириши Марказий Осиё минтақасининг иқтисодий ривожланиши учун локомотив бўлади. Барча соҳада ижобий ўсиш кузатилади. Ва бу халқларимиз манфаатларига тўла жавоб беради. Давлат раҳбарлари ўртасидаги дўстона ва ишончли муносабатлар бундай юксак шерикликнинг муҳим омилли бўлиши, шубҳасиз.

Спорт ва рақамли технологиялар байрами фониди кечган олий даражадаги сиёсий мулоқотлар Марказий Осиёда тинчлик, иқтисодий тараққиёт ва минтақавий интеграцияни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН: ИШОНЧ ВА ПРАГМАТИЗМГА АСОСЛАНГАН ЯНГИ ДАВР

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида мулқлоқ янги – ишонч, стратегик яқинлик, прагматизм ва ўзаро манфаатларга асосланган икки томонлама ҳамкорлик модели шаклланди. Олий даражадаги ташриф эса шаклланган ушбу янги моделни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ташрифнинг марказий мавзу-

ларидан бири – савдо-иқтисодий, сармоявий, саноат, транспорт-логистика ва энергетика соҳаларидаги амалий шерикликни чуқурлаштиришдан иборат. Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар шунчаки мулоқот даражасида қолмай, аниқ глобал ва минтақавий аҳамиятга молик мега лойиҳалар орқали мустаҳкамланмоқда.

Масалан, ҳозирда қурилиши бошланган “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли коридори минтақамизнинг геоиқтисодий харитасини тубдан ўзгартиради. Бу лойиҳа Марказий Осиё давлатларига Хитой ва Жанубий Осиё бозорларига чиқувчи энг қисқа муқобил транзит йўналишини тақдим этади.

“Қамбарота-1” ГЭСи лойиҳаси эса минтақамизда сув-энергетика балансини сақлаш, қайта тикланувчи “яшил” энергия ишлаб чиқариш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича икки давлатнинг ҳамкорлигидаги энг асосий флагман лойиҳасидир.

Хукуматларо комиссия ва Экспертлар кенгаши йиғилишлари сиёсий ва иқтисодий келишувларни таҳлил қилиш ва уларни амалга оширишнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш майдонидир. Ташриф кун тартибидан жой олган Ўзбекистон маданияти кунлари икки қардош халқнинг кўп асрлик тарихи, тили, дини ва қадриятлари муштарак эканини яна бир бор намоиш этади. Бундай маданий ва маърифий тадбирлар давлатлар ўртасидаги дўстлик ва аҳил қўшничилик ришталарини оддий одамлар, санъат ва адабиёт вакиллари даражасида янада мустаҳкамлайди.

Шубҳасиз, ўтаётган ҳафта Ўзбекистон Республикаси учун ички тараққиёт ва ташқи сиёсий фаолиятнинг узвий боғлиқлигини намойиш этган, келажака қаратилган муҳим воқеаларга бой бўлди. Энергетика соҳасидаги бошқарув самарадорлигини оширишдан тортиб, Янги Тошкентнинг илм, маърифат ва спорт маркази сифатида барпо этилиши, Қозоғистон ва Қирғизистон билан стратегик ҳамкорликнинг янги босқичи ва тиббиёт соҳасида Саудия Арабистони билан алоқаларнинг чуқурлашишигача бўлган жараёнлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг раҳбарлигида Янги Ўзбекистоннинг кўп қиррали ва шиддатли тараққиётини акс эттиради.

ЮНЕСКО томонидан Тошкент модернизм меъморчилигининг эътироф этилиши эса мамлакатнинг нафақат иқтисодий, балки маданий салоҳияти ҳам жаҳон миқёсида юксак баҳоланаётганини кўрсатади.

Иқбол МИРЗО

ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ

яқинлик билан узвий боғланган халқларимиз манфаатларига тўлиқ жавоб беради. Озарбайжон миллий маданий маркази ҳам ана шу дўстлик мустаҳкамлиги ва бардавонлигига катта масъулият ва шижоат билан ҳисса қўишни мақсад қилган.

Халқлар дўстлиги куни бизнинг энг севимли байрамларимиздан бирига айланган. Бу гал ҳам санага бағишланган “Дўстлик фестивали”га кўтаринки руҳда тайёргарлик кўрдик. Байрам орқали хорижий меҳмонлар ва юртдошларимиз турли миллатларнинг тарихи, маданияти ва аънаалари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади. Мана шундай нурафшон кунда тилимиз ва дилимизда бир ният айланди: “Барчамиз учун ягона Ватан бўлган жонажон Ўзбекистонимиз доимо омон бўлсин, ҳамиша гуллаб-яшнасин!”

Гуландом СУБҲАНОВА, Тожик миллий маданий маркази раҳбари:

– Сўнгги йилларда Ўзбекистон раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси билан минтақамиздаги давлатлар ўртасидаги дўстона алоқалар янги босқичга кўтарилди. Жаҳон сиёсатида “Марказий Осиё руҳи” деган ибора ва воқелик пайдо бўлди. Бу кунларга етиш осон бўлмаганини яқин тарихимизни эслаганда теранроқ ҳис қиламиз. Ушбу ислохотларнинг самараси ҳақида гапирганда, Ўзбекистон – Қирғизистон – Тожикистон чегаралари туташган нуқтада барпо этилган “Дўстлик” стеласи кўз олдимда



гавдаланади. Бу ҳам яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир.

Бағрикенгликка яна бир мисол. Ўзбекистонда “Овози тожик” газетаси чоп этилади. Мазкур нашрнинг таъсис этилишида Садриддин Айний ва бошқа жадидларнинг улкан ҳиссаси бор. Бугунги кунда газета тожикзабон аҳолини мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, шунингдек, бошқа зарур ахборотлар билан таъминлаб келмоқда.

Айни пайтда, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Тожик адабиёти кенгаши фаолият юритаётгани ҳам қувонарлидир.

Юртимизда барча миллат ва конфессиялар вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатлари Конституция ва қонунлар талаблари асосида қатъий ҳимоя қилинади. Ўзбекистон фуқаролари, миллатидан қатъи назар, давлатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий қудратини ошириш, халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтириш йўлида меҳнат қилиб, бутун куч-ғайрати, билим ва тажрибасини борича сафарбар этишга интилади.

Гулдона АВЕЗДУРДИЕВА, Туркман миллий маданий маркази раҳбари:

– Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни ривожлантиришда давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасида самарали ҳамкорлик ўрнатилган. 160 га яқин миллий-маданий марказ, 40 дан ортиқ дўстлик жамияти ва хориждаги 100 дан ортиқ ватандошлар жомоат бирлашмалари давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда юртимизда дўстлик ва бағрикенглик муҳити, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлигини мустаҳкамлашда ижобий натижаларга эришмоқда.

Энг асосийси, Ўзбекистонда турли миллатга мансуб фуқаролар давлат ва жомоат ташкилотларида масъул лавозимларда сидқиқидилдан меҳнат қилмоқда, муносиб хизматлари учун Ватанимизнинг юксак муқофотлари билан тақдирланмоқда. Уларнинг орасида депутат ва сенаторлар, таниқли ишлаб чиқариш вакиллари, тадбиркорлар, таълим, тиббиёт, илм-фан, маданият, адабиёт, санъат ва спорт намоёндалари борлигини яхши биламиз.

Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги мисли кўрилмаган ислохотлари қалбларимизни тўлқинлантириб юборади. “Дўстлик” ордени борлигини биламиз. Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан “Олий Даражали Дўстлик” ордени ҳам таъсис этилди. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Ватанимизда дўстлик ва стратегик ҳамкорлик олий даражага кўтарилганини бутун олам эътироф этиб турибди.

Туркман халқининг буюк даҳоси Махтумқули ёзиб кетганидай: “Қардошсизда қувват йўқдир”. Ўзбекистон эса бу борада энг қувватли, энг кучли мамлакатлардан бири. Илоҳим, бу ўлкага, бу минтақага кўз тегмасин!

3.ИБРОҲИМОВА ёзиб олди.



Бошланиши 1-саҳифада.

Бу фақат рақам ортидан қувиш ё чиройли статистика яратиш ортидан ҳосил бўлмади. Энг муҳими, ҳар доим сифатга бирламчи эътибор қаратилмоқда. Сон ва сифат муносабатларининг ўзига хосликлари бор. Ҳозир сифат босқичига ўтдик. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан икки йилдан бери барча олий таълим муассасаларига халқаро дастурларни жорий этиш, ёшларга кўпроқ чет элларда ўқиш имкониятини яратиш, профессор-ўқитувчиларнинг хорижда стажировкасини ташкил этиш, ўқув дарсликларини замонга мослаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Хорижий дастурларни танлашда “ТОП-300”-талиққа кирган университетларни маъқул топганмиз. Бу ўз навбатида талабага халқаро даражада таълим олиш имкониятини яратиб, дипломни қўлга олгач, нафақат Ўзбекистонда, балки чет элда ҳам ишлаш имкониятини беради.

Ўзгаришлар фақат ўқув дастурлари ва моддий-техник база билан чекланмайди. Ҳар йили 15-16 фоиз профессор-ўқитувчилар дунёнинг етакчи университетларида ишлаб келяпти. Бунақаси олдин бўлмаган. Ҳамкорлик географиямиз ҳам кенгайди. Яқин йилларгача атиги етти та давлат билан халқаро даражадаги филиал очган бўлсак, кейинги ўн йилда уларнинг сони 32 тага етди. Бу сафда АҚШ, Франция, Япония, Хитойдан кучли университетлар Ўзбекистонга кириб келяпти. Марказий Осиёда ўзига хос таълим ҳабиға айланялмиз. Яна бир томони: илгари ҳамкорлик таклиф қилган университетлар билан қўшма таълим лойиҳаси ёки филиал фаолиятини бошлайверганмиз. Энди биз ҳам талабни кучайтирялмиз. Президентимиз “ТОП-500”-талиққа кирган университетлар учун шaroит яратиб берилишини айтди. Шу орқали ўзимизда, миллий муҳитдан узилмаган ҳолда, янгича форматда ва жаҳоний миқёсда фикрлайдиган талабаларни тарбиялаймиз.

Ўтган замонда биз эргашувчи эдик, яъни, бор техникани ўрганиб, шунинг орқасидан олий маълумотли бўлардик. Ҳозирги талаб – янги технологиялар яратишга қаратилган. Ҳамма соҳада янгича ёндашув керак. Бунинг ҳаммаси кейинги ўн йилда олий таълимга берилган имкониятларнинг натижасидир.


– **Дарҳақиқат, суҳбатимиздан аввал ҳам хорижий ҳамкорларни кузатиб кўйганингизга гувоҳ бўлдик. Билишимизча, ҳар куни икки-уч бор шундай мулоқотлар бўлар экан. Бу учрашуларда қандай масалалар кўриляпти, қандай ҳужжатлар имзоланяпти? Бир сўз билан айтганда, бундан ўзбекис-тонлик ёшлар учун қандай манфаатлар кўзланган?**

– Тўғри, бу сафар иккита давлатнинг университети билан тегишли ҳужжатларни имзоладик.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўтган йили декабрь ойида Токиога расмий ташифи доирасида Япониянинг Цукуба, Нагоя, Тоттори университетлари, Токио қишлоқ хўжалиги ва технологиялар университети, Нагоя иқтисодиёт университети каби етакчи олий таълим муассасаларининг раҳбарлари билан учрашди. Нега? Бугунги кунда 2,8 мингдан ортиқ ўзбекистонлик талаба Япониянинг етакчи таълим муассасаларида таҳсил олмақда. Бу университетлар мамлакатимиз учун энг долзарб бўлган сунъий интеллект ва рақамли технологиялар, қишлоқ ва сув хўжалиги, “яшил” энергия ва барқарор ривожланиш, сейсмология ва “ақлли шаҳар” технологиялари каби соҳалар бўйича мустаҳкам илмий-тадқиқот инфратузилмаси ва юқори илмий ҳамда педагогик салоҳиятга эга. Хусусан, Цукуба университети билан биргаликда Ўзбекистонда олий таълим муассасасини ташкил этиш бўйича меморандум имзоланган эди. Ана шу таълим даргоҳи вакиллари бу гал юртимизга таширф буюрди.

Айни Япония таширфида бошқа давлатларда кузатилмаган ҳолат бўлди: Президентимиз ректорлар билан учрашди ва улар бизга таклиф билан мурожаат қилишди. Уларнинг нияти шуки, Ўзбекистонга ўз дастурини олиб кириб, ўз асосда танланган талабалар Японияда ўқиш имконига эга бўлади. Натижада янги технологиялар ярата оладиган салоҳиятли кадрлар етишиб чиқади.

Шунингдек, Германия вакиллари билан касбий таълим бўйича муҳим ҳужжатни имзоладик. Илмий тадқиқот бў-



ОЙДИН КЕЛАЖАКНИ КЎЗЛАБ...

йича чет эллик ҳамкорларимиз билан муҳокама ўтказдик. Улар қанча кўп бўлса, бизда танлов имконияти кенг бўлади. Танлов эса таълим сифатини ошириш имконини беради. Айтганимдай, аввал чет эл университетларига ялиниб юрардик, уларнинг шартларига кўнардик. Ҳозир энди икки томонлама манфаатли муносабатларни йўлга қўйиш босқичига кўтарилдик. Масалан, хорижий университетларнинг контракти нархлари тушириляпти. Буларнинг барчаси юқори билим ва тажрибага эга мутахассисларни тайёрлаш ҳамда ёшларимизнинг ички ва ташқи меҳнат бозорида ўз ўрнини топишини осонлаштиришга қаратилган. Битирувчилар олий таълимни тугатгандан кейин вакант жой қидириб юрмаслиги керак. Ҳозир меҳнат бозорига қарайдиган бўлсак, катта рақобат бошланганини кўрамиз. Бу вазиятда янги авлод чекига ўзига ўзи иш ўрни яратиш ёки атрофидаги ёшлар учун ҳам қўшимча иш ўрни ярата олиш вазифаси тушмоқда.

Иккинчидан, ҳозир чет элда таълим олаётган ёшларимиз ҳам қайтиб келяпти. Бу халқаро университетлар улар учун яхши платформа. Улар келиб бизда дарс берса, кўрганини ёшларга тез ва осон сингдира олади. Чет эл муҳитини ҳис қилмасдан туриб хориж дастурини ўқиш яхши самара бермайди. Келганларнинг маошлари тўғрисида гапирадиган бўлсак, улар хориждаги иш жойларидагидай, балки ундан ҳам ортиқроқ маош оляпти ҳозир. Агар мутахассис ўз устида ишласа, янгилик яратса, грантларда қатнашса, илмий унвонига қараб қўшимча пул бериляпти. Буларнинг барчаси Давлатимиз раҳбари томонидан яратиб берилган шароитдан.

– **Тизимда вазир ҳам иложсиз қоладиган масалалар бўлади. Яъни, масала ечими бир қишига ёки моддий таъминотга эмас, умумжамоага ёки жамиятга тааллуқли бўлади. Мана шундай масалалардан қайси бири бугун юрагингизга оғир ботади? Ўзгаришлар тўлқинига тўсиқ бўлаётган “тик қоя”лар нималарда кўринади?**

– Биринчидан, аксар профессор-ўқитувчиларда ҳамон совет даврининг тор қолипларга солинган услублари сақланиб қолган. Улар белгиланган дarsини беради ва маошини олади, тамом. Ҳалигача ёшларни креатив фикрлашга, мустақил ишлашга ўргатадиган таълимни йўлга қўя омаялмиз. Иккинчидан, ҳозир ҳам кўпчилик ота-оналар фарзандини фақат диплом учун ўқитади. Ана шу ҳам катта хатолардан бири. Чунки диплом учун ўқётганлар дарсни кунт билан ўрганмайди, топириқни яхши бажармайди. Ўқув даргоҳига кун ўтарга келиб-кетди. Бу эса, ўз навбатида, бозорга малакасиз кадрларнинг кириб келишига сабаб бўлади. Мутахассис бўлиш учун соҳани севиш керак. Мажбуран ўқишга кирган болада касбга меҳр бўлмаса, у барибир, меҳнат бозоридан жойини топпмайди. Ҳозирги ота-оналарга айтаманки, фарзандга ихтиёр бериш керак. Қайси жойда ўқийман деса, шунга йўналтириш лозим.

Учинчидан, таълим жараёнига танишбилишчилик, қариндош-уруғчиликнинг аралашуви бор. Масалан, кимнингдир фарзанди яхши ўзлаштира олмаётган бўлса, ота-онаси ўртага тушиб, баҳола-

рини қўйдириб беради. Аслида, бу талабага ҳам, ота-онасига ҳам, жамиятга ҳам зарар. Эртага иш топа олмаса, яна университет айбдор бўлади. Муҳими, фарзандларимизни ёшлигидан ўзи қизиққан йўналишда секин-аста тайёрлаб бориш керак. Мактабда тўғаракларга йўналтирилса, кейин шу бўйича коллеж ёки техникумни битириши мумкин. Ана унда яхши иш ҳам топади. Ҳамма ҳам олий таълимда ўқиши шарт эмас. Бутун дунёда 70 фоиз иш ўрни техникумни битирганлар, ўрта бугун ходимлари учун мўлжалланган.

– **Сўнги йилларда давлат ва хусусий олий таълим муассасаларини бир-бирига зид қўйиш ёки таққослаш ҳолатлари кўп учрамоқда. Бу борадаги қарашларингиз қандай?**

– Олий таълимда ёшларга танлов ҳуқуқи берилган. Давлат олий таълим муассасасида классик билим беради. Биласиз, классикада талаблар ҳам бошқачароқ бўлади. Хусусий таълим муассасалари дастурлари ўзгарувчан бўлиши мумкин ва ёшларга кўпроқ имконият берилади. Гап бунда эмас. Ҳозир давлат ва нодавлат олий ўқув юртиларига тенг талаблар қўйилмоқда. Олий таълимга киришда ҳам, ўқиш жараёнида ҳам рақамлаштириш ҳамма жойга кириб келяпти. Дипломга қўйилган талаблар ҳам бир хил. Бу ҳаммаси бир-бири билан интеграциялашган тизим. Ҳамма гап абитуриент танловида. Кимдир яшаш манзилига яқин жойда ўқишни истайди. Кимдир пойтахт ёки вилоят марказларидаги нуфузли университетларни танлайди. Ҳозир Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат тиббиёт университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат юридик университети энг кўп ҳужжат топириладиган даргоҳлардан.

Қирққа яқин университетимиз нуфузли халқаро рейтингларда қатнашиб, ўрни юқорилаяпти. Бунинг натижасида қўшни ва бошқа давлатлардан ҳам талабалар келиб ўқишни бошлади. Масалан, Туркменистондаги сиёсат шундайки, чет элда ўқиш учун талабанинг борадиган университети “ТОП-1000”-талиқда бўлиши керак. Шунинг учун ҳозир “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети, Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университетида чет эллик талабалар сони ортиб бормоқда. Демак, бошқа таълим муассасалари келажақда рейтингини кўтаришга эришса, маҳалли ва хорижий талабалар сони янада ошади.

– **Мана, олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари якунланди. Бу борада қандай ўзгаришлар бўлди?**

– Биринчиси, йилдан-йилга тест топириш жараёнини осонлаштирялмиз. Эсингизда бўлса, бундан ўн йилча олдин ёшларимиз 1 август кунигача бир ой ҳужжат топишарди. Унгача қанча қоғозбозлик бўларди. Масалан, тиббий маълумотномаси нотўғри бўлса, яна туманига бориб келарди. Бу нарсаларнинг ҳаммаси йўқолди. Абитуриент уйда ўтириб ҳужжат топишарди. Қаерда имтиҳон топиришини танлаяпти. Ўзининг ҳудудида ҳам имтиҳон топириши мумкин. Олдинлари фақат битта университетни танларди, ҳозир бешта йўналишни танлаш ҳуқуқи бор. Унисига бали етмаса, бунисига етиши мумкин. Энг муҳими, ҳозир ўзининг қизиққан йўналиши бўйича фақат тест топириб келади. Кейин университетни танлайди.

Ўтган йилги “ўтиш бали”ни қўриб, қайсига ўзининг билими тўғри келса, шу ерга топишса, кўпроқ грант ўринларга кириш имконияти бор. Яъни, бу тизим иқтидор-

ли болалар учун мўлжалланган. Институтга бошида грантга кириш, тўрт йил шундай давом этади, дегани эмас. Агар у ўқишини сусайтириб қўйса, контрактда яхши ўқиган талаба учун бу яхши имконият бўлади – ўрин қайта тақсимланади. Бу ҳам талабалар ўртасидаги рақобатни шакллантирадиган тизим. Қаерда рақобат бўлса, шу ерда ўсиш бўлади.

Ҳозир секин-аста талабалар профессорларни танлайдиган босқичга келдик. Кредит-модул тизимида талабалар кейинги ўқув йилида қайси профессorda ўқимоқчи бўлса, шу устозни ва фанни танлаш ҳуқуқига эга. Ҳозир тажриба сифатида айрим олий таълим муассасасида қўлладик. Камчиликлар қадам-бақадм тугатиб бориляпти. Профессор-ўқитувчиларимизнинг рейтингини ҳар йил эълон қилялмиз. Бу катта янгилик.

– **Устоз, ҳар бир одамнинг ҳаётида ўз миссияси бўлади, дейишди. Фақат уни аниқлаб олиш керак экан. Сиз ўз ҳаётий вазифангизни қай даражада уddалаяпсиз?**

– Ҳар кимнинг пешонасига ҳар хил тақдир ёзилади. Менга вазир бўлиш ёзилганини, демак, мана шу вазирликка қўйилган талабларни сидқидилдан бажариш – менинг миссиям. Халқни рози қилиш, яъни, талабаларимизни, ота-оналарни, профессор-ўқитувчиларни рози қилиш, адолатли бошқариш ва, энг асосийси, иқтидорли ёшларни танлаб, уларга ўсиш учун имкониятлар яратиб бериш керак.

Ҳар куни мен биринчи навбатда шу ёшларнинг лойиҳалари билан қизиқаман ва кўплаб танловлар ўтказамиз. Шуларнинг ичидан иқтидорли ёшларни танлаб, келажақда уларни халқаро даражага олиб чиқиш, ишланмаларини амалиётга жорий этиш – мана шундай режалар билан яшаялман ҳозир.

– **Демак, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги “Jadid” газетаси тахририяти билан иқтидорли талабалар учун йирик ижодий ишлар танловини эълон қилгани ҳам бежиз эмас.**

– Муҳтарам Президентимиз яқинда “Ҳар бир талаба ўзига яраша иқтидор эгаси, масалан, у инженерлик бўйича ўқир, шу билан бирга, яхши ашула айтиши мумкин, уларнинг истеъдодига имконият берайлик”, деди. Ана шу ҳақда кўп ўйладик. Иқтидорли ёшлар шеърлар ёзса-ю, уларни қўшиқча айлантирсак, яна танлов ўтказсак-да, энг яхшисини халққа тақдим этсак, деб ният қилдик. Шунинг учун газета тахририяти билан ҳамкорликда шу танловни эълон қилдик.

Танловда биринчи, иккинчи, учинчи ўринни олган талабаларга пул мукофотларини берамиз, бошқа мукофотлар ҳам бор. Фолибларни келажақда ҳам қўллаб-қувватлаймиз. Мана, “Овоз” деган кўрсатув бор-ку. Шу дастурга ўхшаш келажақда “Талаба – талант” деган бир лойиҳа ўйлаялмиз.

“Беш ташаббус” лойиҳаси бежиз ишлаб чиқилмаган. Кимдир яхши расм чизади, кимдир яхши ашула айтади, кимдир спорт соҳасида кучли. Спорт бўйича мусобақаларимиз жойига қўйилган. Мана, талабалар ўртасида Президент олимпиадаси ўтказилляпти. Шу асосда ёш спортчиларни танлаялмиз. Иқтидорли талабаларни тарбиялашда ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Бу танлов ана шу йўлдаги бир қадамдир.

– **Устоз, суҳбатимиз сўнгига ёшларимизга нима деган бўлардингиз?**

– Мен нафақат ёшларга, ота-оналарга ҳам мурожаат қилмоқчиман. Биринчи навбатда бола тарбияли бўлиши керак. Агар намунали ахлоқ бўлса, бола таълимни ҳам яхши олади, касбини ҳам яхши ўрганади. Яхши касб ва яхши хулққа эга инсон жамиятда ўрнини тез топади. Ишлайдиган ёшларга айтган бўлардимки, доим ташаббускор бўлиш лозим. Яратувчан инсон келажақда ёмон яшамайди. Ёмон яшаётганлар ё касбини нотўғри танлаган, ё жамоада ўз ўрнини топа олмаган, ўз навбатида, икков важа ҳам асосий сабаб – тарбия тўқиси бўлмагани. Шунинг учун ёшларимизга маслаҳатим: болаликдан мақсадни аниқлаб, ҳамиша тўғри йўлни танлаш керак.

Фурсатдан фойдаланиб, яна айтмоқчи эдимки, олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари ва талабалари зиммасида улкан ишонч масъулияти борлигини асло унутиб бўлмайди. Сезиб турганингиздек, Президентимиз миллат олдига Учинчи Ренессанс пойдеворини қўйиш ва Янги Ўзбекистон тарақиётига улуш қўшишдек олижаноб вазифани белгилаб берганини назарда тутялман. Ҳар бир устоз, ҳар бир талаба, жадид боболаримиз орзу қилган ойдин келажақни кўзлаб, фидойилик билан изланиши, ўқиши ва меҳнат қилиши шарт деб ҳисоблайман.

– **Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.**

Зарнигор ИБРОХИМОВА суҳбатлашди.

ОЛАМ ОЛИМИ

ИҚЛИМ “БАРМОҚ ИЗЛАРИ”



2021 йилда физика бўйича Нобель мукофотининг ярим улуши “Ер иқлимининг физик моделлаштириш, иқлим ўзгаришини аниқлаш ва глобал исишнинг ишончли таҳлили учун” Клаус Хассельман ва Сюкуро Манабег берилди.

ҲАЁТ ЙЎЛИ

Сюкуро Манабе 1931 йил 21 сентябрда Японияда туғилган. Токио университетидида метеорология мутахассислиги бўйича 1953 йилда бакалавр, 1955 йилда магистр даражасини олди. 1959 йилда докторлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилгач, АҚШга кўчиб ўтди. Аввал Миллий океанография ва атмосфера бошқармасида ишлади, бир муддат Японияда яшагач, яна Принстон университетига қайтиб келди. Ҳозирда шу университетда катта метеоролог бўлиб ишлайди. 2007–2014 йилларда Нагоя университетида махсус таклиф қилинган профессор сифатида ишлади. Оилали, икки қизнинг отаси.

Клаус Хассельман 1931 йил 25 октябрда Германияда туғилган. 1950–1955 йилларда Гамбург университетида физика-математика бўйича ўқиди. У физика ва суёқлик динамикаси бўйича ишини Гёттинген университетидида давом эттирди. 1957 йилда докторлик даражасини олди. Шундан сўнг 1961 йилгача Гамбург университетида илмий ходим бўлиб ишлади. Бир муддат Калифорния университетида профессорлик лавозимини эгаллаган. Яна Гамбург университетида қайтиб, фаолиятининг кўп қисмини у ерда ўтказган. Гамбургдаги Макс Планк метеорология институтининг асосчи директори бўлди ва у ерда 1999 йилгача директор бўлиб ишлади. Оилали, уч фарзанди бор.

ИЛМИЙ ЮТУҚ

Инсоният учун ҳаётий аҳамиятга эга бўлган мурожаат тизимлардан бири бу – Ер иқлими. Сюкуро Манабе атмосферадаги карбон ангидрид миқдорининг ортиши Ер юзасида ҳароратнинг ошишига олиб келишини кўрсатди. 1960-йилларда у Ер иқлимининг физик моделларини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилди. Радиация баланси ва ҳаво массаларининг вертикал ташиши ўртасидаги ўзаро таъсирни ўрганган биринчи одам бўлди. Унинг иши ҳозирги иқлим моделларини ишлаб чиқиш учун асос яратди.

Тахминан ўн йил ўтгач, Клаус Хассельманн об-ҳаво ва иқлимни боғловчи моделни таклиф этди. Шу тариқа об-ҳавонинг ўзгарувчан ва беқарорлиги, иқлимнинг эса мўқимлиги, эволюцион характери ва кенг қамровлилиги ўртасида чегара аниқлаб олинди. Шунингдек, у табиий ҳодисалар ва инсон фаолиятидаги иқлимга таъсир қилувчи сигналларни, “бармоқ излари”ни аниқлаш усулларини ишлаб чиқди.

“БАРМОҚ ИЗИ”

1979 йилда Хассельман иқлим ўзгаришининг “fingerprint” (“бармоқ изи”) усулини таклиф қилди. Бу усулнинг асосий ғояси: иқлимга таъсир қилувчи ҳар бир омил (“иссиқхона газлари”, вулконлар, қуёш фаоллиги, аэрозоллар) Ер иқлимида ўзига хос фазовий ва вақт бўйича ўзгариш қолдиради.

Климатик моделлар орқали ушбу “бармоқ излари” кейин кузатилган маълумотлар билан таққосланади. Бу усул ёрдамида олимлар XX аср ўрталаридан кейинги глобал исишнинг асосий сабаби инсон фаолияти эканлигини юқори даражадаги ишонч билан исботладилар.

Жасмина ИСРОИЛ тайёрлади.



“Илм ила кимнинг дили равшан эрур,
У замон ичра саломат тан эрур.

Фариддин АТТОР





ТАЛҚИН

Замонавий ўзбек шеъриятининг таниқли ва ўзига хос овозига айланган шоир Абдували Қутбиддиннинг “Танланган асарлар”и чоп этилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида нашр қилинган мазкур тўпламда шоирнинг қарийб қирқ йиллик ижодий изланишлари ва бадийий кашфиётлари жамланган. Китобга ижодкорнинг ҳаётлик даврида чоп этилган асарлари саралаб киритилган, шу билан бирга, аввал нашр юзини кўрмаган “Қошиний” тўпламидан ҳам намуналар ўрин олгани унинг қийматини янада оширади.

Абдували Қутбиддин шеърят майдонига кириб келган илк қадамлариданоқ катта устозлар эътиборини қозонган эди. Шоирнинг инсон кечинмалари нозик ва таъсирчан тарзда тараннум этилган мисралари қатига тийрак назар ташласак, улардаги маъно, оҳанг, тимсоллар азалий қадриятларимиздан, аждодларимизнинг ўлмас руҳидан қувват олганини англаймиз. Унинг шеъриятида фольклор образларини стилизация қилиш орқали миллий колоритни кучайтириш, поэтик нутқни халқона руҳ билан бойитиш ва рамзий-образли тафаккурни чуқурлаштириш тенденцияси яққол намоён бўлиб туради. Хизр, малика, дев, пари, аждар, иблис, ёлмон, Ҳумо, сув, олов, тош ва бошқа фольклорга хос образлар замонавий бадий тафаккур билан уйғунлашади.

Жумладан, шоир “Қарсиллаб ёпилган / Дарвозада шом” деб бошланувчи кун кеч бўлиб, оқшом тушиши ҳамда табиатдаги бу манзаранинг инсон руҳидаги эврилишларда акс этиши тасвирланган шеърда шундай ёзади:

Нима қиламиз энди


Бу оқшом?!

Қайдан тош терамиз

Кўммакка дилни.

Ушбу мисраларда “тош” образи ўзига хос маъно ташийд. Шу нуқтаи назардан, образ стилизацияси нафақат бадийий усул, балки адабиёт ва фольклор ўртасидаги диалектик алоқадорлиқни таъминловчи муҳим эстетик механизм сифатида намоён бўлади. У орқали анъана ва янгилик, миллийлик ва индивидуаллик, озғани ва ёзма ижод ўртасидаги узвий боғлиқлик таъминланади.

Дарҳақиқат, “тош” образи халқ ижодининг деярли барча жанрларида – қўшиқлар, достонлар, термалар, эртаклар, миф ва асотирларда учрайди. Унинг семантик майдони кенг бўлиб, сабр-бардош, метин ирода, қайғу-ғам ва улардан халос бўлиш, тухмат-маломатга қолш ҳамда бошқа қатор маъноларни ифодалаб келади. Филология фанлари док-



Абдували Қутбиддин издошлари Гафур Шермуҳаммад ва Нодир Жонузок билан.

тори Шомирза Турдимов “Халқ қўшиқларида рамз” китобида “тош” образининг мазмуни ва фольклор асарларидаги аҳамиятини очиб берган. Жумладан, олим “Хоразмда “этагим-даги тошни тўқдим” иборасида “аразни, хафа бўлишни унутдим, урушли эдик, ярашдим” каби мазмун англашилар экан”, деб ёзади.

Халқимизда “Бошинг тошдан бўлсин”, деб дуо қилиш, бошқа оиллага келин бўлиб узатилаётган қиз ортидан тош отиб қолиш, қабр бошига тош қўйиш ва бошқа урф-одат ҳамда анъаналар ҳам борки, уларнинг бари “тош” образининг кундалик ҳаётимизда, маросимларимизда, иримларимизда серқатлам маъноларга эгаллигидан далолат беради. Ва, албатта, бу маънолар халқ озғани ижодида сингиб, ундан ёзма адабиётга кўчиб, миллий руҳиятимизга мос моҳият, халқона оҳанг ташийд, асарларни янада ўқишли, таъсирчан қилади.

Абдували Қутбиддиннинг ҳам дарвозада шом қарсиллаб ёпилган, сабри елкасини чуқурлаб ўйган, қарғалар баҳорни эгаллаб қўйган бу оқшомда дилни кўммакка тош излаганини ўзига бир юпанч, руҳига таянч, кўнглида оғриқларга малҳам ахтаргани сифатида англаймиз. Зеро, шеърнинг лирик қаҳрамони ана шунга муҳтож. Асарнинг охириги мисрала-

ри буни яна бир бор ойдинлаштиради:

Қарғиш урдимикан,

Ваҳший ириллаб,

Итдек вовуллайди

Бахтсиз кундузлар...

“Олисларда кўнгиригин чалар қарвон” мисраси билан бошланувчи куйидаги шеърга эътибор беринг:

Қоя чўкар, Алпомишнинг наърасидан,

Сойлар сакрар адирларнинг орасидан,

Қарга кўнмас

Барчинларнинг тиззасига, Ҳаёт суви мангу она кўзасида.

Бу ўринда шоир афсонавий “Алпомиш” достони қаҳрамонларининг куч-қудратига, эл-юрт тақдири учун курашчанлиги, енгилмас баҳодирлиги, тийнати тоза, фитрати гўзал эканига ишора қилади. Шу билан бирга, мазкур бандда “сув”, “кўза” каби образлар стилизацияси ҳам борки, улар замиридаги теран маъно мисра моҳиятини янада кенгайтириб юборади.

Фольклоршунос олим Асқар Мусақулов “Ўзбек халқ лирикаси” китобида ёзганидек, тарихий асосида сув култи ва халқнинг шу култь объектлари билан боғлиқ ишончлари, иримлари турганлиги учун халқ лирикасида

сув ва унинг аналоглари: шабнам, томчи, булок, қудуқ, ариқ, ҳовуз, сой, қўл, дарё, қор, ёмғир; аниқловчилари: сув бўйи, ариқ бўйи, дарё ёқаси, қамиш, сув бўйида ўсувчи дарахтлар, ўсимликлар; сув жониворлари: балқ, илон, қундуз; сув идишлари: кўза, коса, пиёла, челақ, чойнак, чой ва ҳ.к. – барчасининг поэтик образлари, албатта, бирор жиҳати билан свги, оила, интим кечинмалар, фарзанд ва фаровон турмуш ғоялари билан боғланади. Бу халқ қўшиқлари учун анъана туфайли пайдо бўлган ўзига хос бир қонуниятдир. Шу боис, “Барчинларнинг тиззасига қарга кўнмаслиги” – қизларимизнинг иффати поклигини, “Ҳаёт сувининг мангу она кўзасида” экани улар туфайли ҳаётнинг бардавомлигини ифодалайди.

Шоирнинг фольклор образлари ва уларнинг моҳиятидаги теран маънони жуда чуқур билгани, ушбу элементлардан асарларида усталик билан фойдалангани “Шубҳасиз, Ҳумодай ёйиб қанотин / Тиниқ оқшомларда кулгай келажақ” (“Ният”), “Имконим муҳиби ҳамроз эмас... / Мусиқор муғаний бўлган маҳал / Парилар қизларга берур сайқал / Йигитлар орзуи – ул Тожмаҳал” (“Имконим муҳиби ҳамроз эмас”), “Момо Ҳаво тавба қилган чайлалардан / Чиққан наво эшик излар ҳар кўракда” (“Оралиқда”), “Қарвонининг сарбонлари оқ гозларинг / Шеър ўқишар чайқатгунча қил кўприкни” (“Ишхонада, туш маҳали”) сингари қатор мисраларида яққол акс этади. Бу фольклорий образларнинг ҳар бирида халқимиз тафаккури ва тасаввурида асрлар давомида яшаб келаётган тушунчалар, теран маъз борки, улар адабий асарни мазмунан бойитган, халқ қалбига янада суюқли қилган.

Бу сатрларни ўқиб, шубҳасиз, Абдували Қутбиддин шеърияти дунёни образли идрок этишининг ёрқин намунаси эканига яна бир бор амин бўламиз. Шоир ўзи қаламга олмоқчи бўлган ҳар бир лаҳза, воқеа ва ҳодисани қалбидан ўтказиб, уни камалакдек рангларга буркаганига таҳсинлар айтამиз. Шу боис, унинг шеърлари ўқувчи қалбига нафақат таассурот, балки ички бир титроқ, руҳий бир уйғонишни пайдо қилади.

Абдували Қутбиддинни кўпчилик модернист шоир деб билади. Бу таъриф асосан унинг шеърларидаги янгилаш услуб ва ўзига хос композиция сабаб пайдо бўлган эса, ажабмас. Бироқ бу ашъорнинг ҳар бири моҳиятан шарқона руҳ билан суғорилганини,

миллий томирларга туташ эканини уларни қайта-қайта ўқиб, чуқурроқ англаш орқали юракдан ҳис қилиш мумкин.

Шу ўринда, шоир яратган “Осима” образи ҳақида ҳам икки оғиз сўз. Осима образининг бутун шаклу шамоийли, феълу сажияси тамомила ўзбек характериға, миллатимиз руҳига монанд, десак, айна ҳақиқат. У Тўмарис, Барчиной, Қалдирғоч, Гулқиз, Холбека, Юнус пари, Мисқол пари, Гулнор пари, Зухра, Шоҳсанам, Дилором, Зумрад каби халқ озғани ижоди қаҳрамонларининг эзгу фазилатларини ўзида мужассам этади.

“Дафъатан шоир кечинмаларини илғаш қийиндек, тасаввурингизда бу ингичка ҳолатлар бир-бири билан узвий эмасдек туюлиши мумкин, – деб ёзган эди Абдували Қутбиддиннинг илк китоби – “Найсон”га сўзбоши ёзган Рауф Парфи. – Фавқулдда ўхшатишлар, киноялар, истиоралар... Ўқиб ажабланасиз, бу шеърлар бошқаларнинг шеърларига сира ўхшамайди. Ҳатто бир қарашда мисралар “қовушмагандек”. Аммо ҳукм этишга шошманг! Яна бир бор синчков ўқинг, шунда бу нотабиййроқ кўринган сатрлар бир-бири билан пинҳона боғланиб, ўзига хос руҳий иқлими яратаётганига ишонч ҳосил қиласиз. Бу иқлимда сиз тирикликнинг теран қаърларига илдиз отган хотиротнинг куюнчак садоларини тинглайсиз”.

Дарҳақиқат, шоир ҳеч кимниқига ўхшамас ўз назмий олами ярата олди. Унинг шеъриятида майин оҳанглардан кўра шиддаткор руҳ, жунунваш қалб, ҳароратли туйғулар устуворлик қилади. Ҳар бир асарига янги ранг, янги оҳанг. Инсон руҳини сирли-сеҳрли оламлар сари чорлай оладиган шеърлар муаллифи, шубҳасиз, ўзбек адабиёти учун бетакрор ҳодисадир. У ўзининг ҳайратбахш ташбеҳ ва истиоралари, халқ руҳи, онгу тафаккурига чамбарчас боғланган образлари орқали шеърят имкониятларининг чексизлигини намоён этди. Инсоний ва илоҳий муҳаббат, Ватан ва миллат дарди, одам ва олам ҳақидаги теран фалсафий мушоадалари билан ўзига хос адабий мактаб яратди. Шу боис, ушбу асарлар доим кенг ўқувчилар оммасига манзур бўлиб, уларнинг маънавий эҳтиёжини қондиришда муҳим ўрин тутди.

Дилшод КАРИМОВ,

ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва

фольклор институти

мустақил изланувчиси

Абдували ҚУТБИДДИН

Анбар инъом этар сенга чечаклар

*** Соҳибдилм – дилоро, Айит, тўхтасин қарвон, Най пуфлаган куюннинг Энасими биёбон? Соҳибдилм – дилоро, Қайда у чашма гирён. Жилға бўлган кўнглимни Қурибти бўлди мижон. Соҳибдилм – дилоро, Кўзим менинг қулфмидур, Очиб, нигоҳим чиқса, Чопган қилич зулфмидур? Соҳибдилм – дилоро, Қақнус гулхани қани? Бор бўлса, юзга суртай, Ўтини ё қулини. Соҳибдилм – дилоро, Кўп рибезат чекдим-ку. Ўзим кетдим. Йўлингга Тоатимни экдим-ку. Соҳибдилм – дилоро, Васлинг саробим - рўё. Ҳофиз эмасман, ишқда Абдувалиман гўё. *** Субҳлар ҳўллаиди патли ҳавони, Бир кун ёлғончилиқ қилади апрель. Мен сенинг келишинг ҳеч истамайман, Бироқ кел. Зар ип эшаяпти ёғдулар тошиб, Зим-зиё ҳовонча эзғилайди ун. Қабиб, тахлаб қўйди шойи кўрпани Сен учун тун. Жарангдор сочинг ҳам бўлар пўпақли, Тиллақош топилар кўк сандигида. Уч газ булут кесса бўлар чимилдик, Висол тоғида. ...Киприкка илинган шабнам чўгдайин, Бир кун ҳақиқатгўй бўлмади апрель. Мен сенинг келишинг ҳеч истамайман, Бироқ кел. Эшитяпсаним?	Анбар инъом этар сенга чечаклар, Тобе мамлакатдир сенга хуш чаман. ...Мен эса чимилдикча қираману, Тиззанга бош қўйиб ухлаб оламан. Эшитяпсаним? Суронлар чулғайди патли ҳавони, Бир кун ўзим каби лақмадир апрель. Мен сенинг келишинг ҳеч истамайман, Бироқ кел... *** Булбуллар мастона кашта гулларида, Сўзана четида ухлаган лайлак. Дарпарда ортида шамол кўпиртирган Бир коса шарбат. Сен ич-ей, бошланур ажиб ҳюяя, Баҳор жилмайди чумчуқ инидан. Сенга мусичалар ясар зинапой, Япроқдан. Қани туш! Адирлар кўксини кесиb беради, Оҳиста ўлтириб учамиз баланд. Биз учун ҳумолар донлар теради Маъво салтанати далаларидан. Шафақлар хонатлас янглиғ ёйилур, Дутор чертиб аста порлар қахқашон. Қўшиқлар янграйди сенга аталган. Сен ишон. Оққушлар парёстиқ берар келтириб, Етти қават кўрпа тўшайди товус. Шундоқ ёнимизга кетади қўйиб, Ой тилла фонус. Тиззангни кучоқлаб боқасан дилгир, Соатга қарайсан, қулимсирайсан: Кеч бўлди, соат бир... Булбуллар ийқилар кашта гулларида, Сўзана четида ўлади лайлак. Дарпарда ортида шамол гувиллар, Коса тўла ҳасрат. *** Минорларни соғинган лайлак, Кийиб келар янги оқ қўйлак, Айлантирар бетиним паррак Осмон, осмон.	Кашталарни осар камалак, Ипин узиб учади варрак. Чапак чалиб елар елвизак, – Ажаб, ажаб. Регистонда ечинар оқшом, Юмшаб, тўшак бўлар кенг майдон. Қирдан ошиб ўтолмас Дарғом, – Наҳот, наҳот? Бу ерда мен юрагим ҳалак, У ерда сен оғриган кўрак. Ўртаимизда ҳижрон чирпирак, – Ҳамон, ҳамон. Минорларни соғиниб лайлак, Кийиб келди янги оқ қўйлак... ВИСОЛ Йиғладим. Ҳовучим тўла сув бўлди, Тишимдан қон сизар, юрак – чанқовуз. Бошингни эг жоним, мажнунтол каби, Бу ҳовуз. Пичирлаб овозинг сузмакдадирми, Ушатиб ташланган ўзимми буткул. О, нечун изиллаб йиғлади, айтип, Бул - бул. Қарлагин, янчилган осмон сепилди, Зарралар санчилди аччиқ куйдириб. Бир қозон атала ағдарди кеча Ўқириб. Чиппа-чип ёпишиб гарқ бўлдимки-ей, Этимиз тутшиби биргамиз, битта. Бизни қиймалашга улгурмайдилар, Ахир бу эртааакк! Йиғладим. Йиғладинг. Ҳовуч сув тўла, Тишлардан қон сизар, юрак – чанқовуз. Этилсак сочимиз кирмашибди-я, Қўшилиб кетибди Кўзимиз. ҲАЖР Ҳижрон қиш тунидай чўзилганида, Кунлар кук бағридан узилганида, Ёшимпиёладан сузилганида, Соғинчдан дил тўлиб бузилганида – Капалак қонини топинглр менга.	Еллар судраб кирса мени боғларга, Сарғайиб тўкилган тиллар қарғаса. Мени остонада чанглр тупуриб, Висол келтирмаган йўллар қарғаса – Капалак қонини келтиринг менга. Хайру эҳсонларин тўқканида ёз, Ҳидлаб бугдойларни семирса август, Чумоли инида йўқолган хасдай Қолсаму ҳеч кимса тутинмаса дўст, Капалак қонини беринглр менга. Тоғларнинг даҳани бўлса агар гор, Фалакка чирмашиб ўрласа буғи, Бу қадар армонга чидай олмасам, Кўзимда муз каби эриса йиғи, Капалак қонини ичиринг менга. ҚАСАМ Фаромуш боғларда солланиб маҳзун, Заррин сарполарда, давлати фузун, Қалбимга едирар нон ҳамда тузин, Ё жоним муҳаббат, Сим-сим-эй, сим-сим, Мабодо алдасам, қўлларим синсин. Ўкинч тилакларда болалик бадбахт, Севгининг номидан ёзади тилхат. Агарда яшасам қалдирғочсифат, Қизгалдоқ энамдир, Сим-сим-ей, сим-сим, Мабодо алдасам, қўлларим синсин. Ортимда чўл дедим, курсам, Бадахшон, Қадимий тангадай беҳамён, бешон. Ўзимни изласам – мендан йўқ нишон,	Ал-амон, мен қайда, Сим-сим-эй, сим-сим. Мабодо алдасам, қўлларим синсин. Сўнгги дам ўзим-ла ўчакишсам, ҳай, Соҳир кўзларингдан талаб этсам май, Э, вох, кекирдигим кесиb этсам най, Пуфласам – куй ёнса, Сим-сим-эй, сим-сим. Мабодо алдасам, юрагим тинсин. *** Мовийлик қудғида рақслар тугаганда, Ёлғизлик арқонини бўйнимга қоқганида, Кимдир Абдувалини оҳиста сураганда, Қўшиқчи бўлсам эди, лоақал, бир созанда. Каптарларим, каптарлар ҳай-у, ҳа-ю, ҳай-ула. Бармоқларимга боғлаб куёшни судрасайдим, Қоронғу ерда ёниб, кул бўлиб титрасайдим, Тутар пайтимда ногоҳ, мени сен чорлаганда, Қўшиқчи бўлсам эдим, ҳеч бўлмаса созанда. Каптарларим, каптарлар ҳай-у, ҳа-ю, ҳай-ула. Ададсиз манзилларим боумид оққанида, Қаттиқ тиканларини қалбимга қоқганида. Томиримни шимсам-у, ҳаётга бўлиб банда, Қўшиқчи бўлсам эди, ҳеч бўлмаса созанда. Каптарларим, каптарлар ҳай-у, ҳа-ю, ҳай-ула. Хаёлим ойнасидан недир учиб кетганда, Севгимни мўмиелаб тушлар қочиb кетганда. Муҳаббатим ўзимдан сураганда ризолик, Қўшиқчи бўлсам эди, ҳеч бўлмаса созанда. Каптарларим, каптарлар ҳай-у, ҳа-ю, ҳай-ула.
---	---	---	---	---



ЗАМОНДОШ



БУ КИТОБНИ ЎҚИДИНГИЗМИ?



РУХИЯТ ХАЙРАТЛАРИ

Онг ости, рухият билан боғлиқ асарларни ўқиш алоҳида тайёргарликни тақозо этади. Сўфиёна тасвирлар, образлар ва рамзларни реалликка ўрганган ақлнинг идрок этиши қийин, агар сўфийлик бадиият билан уйғунлашса ёки бадиий асар сўфиёна ишораларга, ҳайратларга қурилса, мистицизм ўқувчи ҳаёлларини мавҳум, эзотерика оламига судраб кетади.

Бу оламдан чиқиб кетиш осон эмас, у рухият ҳайратлари бўлиб ўй-ҳаёлларингга таъкиб этаверади. Тўғри, бадиий ижод рухиятга йўналтирилиши билан илҳом, тўқима, фантазия деб аталадиган сирли воқеликлар орқали мистицизмга яқин туради. Мистицизм, айниқса, бадиий ижодда, рухият ҳайратлари бўлиб қалбни, ўй-ҳаёлни, вужудни жунбушга келтиради. Даҳо ижодкорларнинг барчаси ё сўфийлик, ёки мистицизмга мойилдир.

Таниқли адибимиз Назар Эшонкулнинг "Гирён" асарини сўфийликдан, мистицизмдан хабардор бўлмаган оддий ўқувчи тушуниши мушкул. Асосий воқеалар Тарсо ва Санъон атрофида рўй берса-да, қаҳрамонларнинг тушлари, уларга яширинган тимсоллар, бир-бирига улашиб кетган сенситив кечинмалар, реалликдан ўзувчи, рухиятнинг изтиробларга солувчи психологик лавҳалар, хуллас, мавҳум, аммо қизиқшарм кўзгоччи тафсилотлар ўқувчини боғлаб олади. Тарсо шайх Санъон яхши кўрадиган насроний қиз. Бу исмлар асар гоёсига ҳам, қаҳрамонларнинг ҳаёт ва борлиқ ҳақидаги тасаввурларига ҳам мос тушган. Муҳаббат эътиқод ва ақидалар доирасини кенгайтиришга қодир. Аммо адиб Тарсо ва шайх Санъон ҳақидаги сўфиёна ривоятни айнан давом эттирмайди. Қаҳрамонларини ҳам, ўқувчисини ҳам ғайримантикий, тасодифий воқеаларга дуч келтириш, аслида, ёзувчининг бадиий услубидир. Бу билан у ўқувчи қизиқишини оширади.

Адиб асарини "эски афсонанинг замонавий талқини", деб атади. Аслида, у эски афсоналарнинг давоми. Асардаги барча воқеалар ва улар негизидagi фалсафий-психологик гоёлар З.Фрейд, К.Юнг, Г.Лебон, Э.Фромм, К.Ясперс, В.Соловьев, Н.Бердяев кабиларнинг диний-фалсафий ва ижтимоий-эксистенциал асарларида муҳокамага кўйилган. Назар Эшонкул қаҳрамонлари ҳаёти ва сенситив кечинмаларини онг ости, рухият каби тезда англана бермайдиган, серсир ва оддий ўқувчида турли саволлар, эътирозлар уйғотувчи ҳодисаларга қуради. Натижада реаллик ва нореаллик, яхилик ва ёмонлик, савоб ва гуноҳ, меҳр ва қahr, ҳаёт ва ўлим ҳақида шундай фалсафий-бадиий тасвирлар, фикрлар пайдо бўладики, сўфийлик, эзотеризм ва мистикадан озмоз хабардор ўқувчи ўзбек адабиётида нодир, психологизмга бой, кишини борлиқ ҳақида ўйлашга мажбур қиладиган ижод намунаси яратилганини сезади.

Туш ва унинг тақдир, реаллик билан боғлиқ сюжети, Тарсонинг аламлар тўфонада яшашига оид сабаблар, тартиб ва удумларга қарши чиққани, укаси ва

отасидан ўч олмоқчи, ўзини ўзи ўлдирмоқчи бўлгани кабилар психотахлилда мавжуд мотивлардир. Уларнинг баъзиларини З.Фрейд эҳтирос назарияси билан боғлаган, Назар Эшонкул уни, чамаси, Шарқона этика нуқтаи назаридан четлаб ўтади. Фикримизча, Тарсонинг севган кишисини ўлдириб, қотилга айланишида нафақат бедил, серқаҳр отасидан ўч олиши, шунингдек, адиб четлаб ўтган эҳтирос таъсири ҳам бор. Қаҳрамонлар ўртасидаги ноутбукдаги ёзишмалар ушбу эҳтирос таъсирини мана-мана очиб беради деб турганда, адиб асар сюжетидан йироқроқ найодам, қишлоққа қайта-қайта келиш, китоб якунидаги тактилли йўллар қурувчилар ҳақидаги ҳикояларни келтиради. Уларга ёзувчи маълум бир мазмун юкламоқчи бўлгандир, лекин ўқувчи бу мазмун нимада эканини тополмайди. Ўрни келди, яна бир эътирозимни айтмай. Тарсо хатларининг қоп-қора фонда берилиши мақбул бўлмаган. Ёзувларни ўқиш қийин, улар асарнинг асосий гоёси ва мазмунини ўзида мужассам этгани учун равои ўқилиши зарур эди.

Санъон, аслида, адиб психотахлилчи ролини ўйнайди, Тарсо эса ўз қисматини, ўз ҳаётини ўйнашга аҳд қилган. Қиз психотахлилчи учун қизиқарли тақдирга, ўтмиш ва ноодатий тажрибаларга эга мижоз. Адиб – даволовчи, у қизга руҳий изтироблар бераётган ақл билан онг ўртасидаги зиддиятнинг боисини аниқламоқчи. Унинг назарида, қизнинг "руҳи боши берк кўчада адашиб қолган", "руҳий ҳолати қандайдир бир гуноҳ юки таъкибда". Қиз қалби севишга, кимнингдир ардоқлашига муштоқ. У севиб, иқдор бўлади: "Мен уни ростданам яхши кўраман. Жудаам. Усиз яшолмайман, деб ўйлайман... Уни кўрсам, шу пайтгача мэн учун мураккаб ва маънисиз бўлиб келган дунё бирдан соддалашарди, маъни билан тўларди, гўзаллашарди". Беором қиз қалби таскин топти, деб ўйлайсизми? Минг афсуски, қиз ёзганидек, "Менга бир умр гуноҳкорсан деб келишган. Гуноҳкор эканлигим уни севишимга халақит берарди". Гуноҳкорлик ҳисси билан севиш мумкинмиди? Н.Бердяев фикрига кўра, одам аввал-бошдан гуноҳ билан туғилган. Демак, севган ҳам гуноҳда, севилган ҳам; икки гуноҳкорнинг бир-бирини севишида мантиқсизлик йўқ. Мантиқсизлик – севган инсони қиёфасида севмайдиган кишини кўришда. Бу мантиқсизлик сертуйғу қаҳрамонни фожияларга етакламай қўймайди.

"Биз театрдаги кўғирочлармизми? – дейди Тарсо. – Нега ашаб юрибмиз?" Қаҳрамоннинг ибтидога мурожаатидан психотахлилчи "унда ўзининг дунёга келиши ва болалиги билан боғлиқ муаммолар бор", деган хулосага келади. Бу муаммолар шунчалик чуқур эдики, асарда улар изчил ва маҳорат билан ишонарли очиб берилган. Гоҳо улар тафсилларидаги достоевскийча эзмаликни кечириб юборасиз, қаҳрамонга ҳам ачинасиз, ҳам ундан ниманидир олгингиз, рухиятингизга сингдирингиз келади. Психотахлилчилар фикрига кўшилисиз: "рухиятни ақл билан таҳлил қилиб бўлмайди".

асосланган. Экспертлар америкалик ҳарбийларнинг Эронга бостириб киришини жуда хавфли деб ҳисобламоқда. Чунки десант кучлари ракета ва дрон ҳужумларига дуч келиши тайин.

МАХФИЙ ТУННЕЛЬ ТОПИЛДИ

Қирғизистоннинг Боткен вилоятида Ўзбекистон билан чегарада контрабанда учун фойдаланилиши мумкин бўлган ерости туннели топилди. Бу ҳақда "24.kg" хабар берди. Маълум қилинишича, Қирғизистон Экстремизм ва ноқонуний миграцияга қарши кураш хизмати ходимлари чегара ҳудудида товарларни ноқонуний олиб ўтиш мақсадида туннель қазилаётгани ҳақида маълумот олган.

Текширув давомида Қадамжой туманидаги "Чечелик" қишлоғининг Мамажанов кўчасида



ҚУРУҚЛИҚДАН БОСҚИН



АҚШ президенти Дональд Трамп ўз ҳарбийларининг огоҳлантиришларига қарамай, Эронга қарши қуруқликдан чекланган ҳужум уюштириш ҳақида буйруқ берishi мумкин. Бу ҳақда Покистон махсус хизматлари маълум қилди.

Исломободдаги хавфсизлик манбаларига кўра, ушбу хулоса ҳозирги ҳарбий кузатувларга

қадрлаб, ёш ижодкорларга ўз тажрибасини улашиб келаётган устозлардан бири ҳисобланади.

Дутор, танбур, ғижжак, чанг, рубоб, най ва доира каби чолғулар халқимизнинг асрлар давомида шаклланган мусиқий тафаккурини намоён этади. Бу чолғуларнинг ҳар бири нафақат ўзига хос овози, балки тарихи, яса-лиш услуби ва миллий безаклари билан ҳам қадрлидир. Улар халқимизнинг маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб, миллий мусиканинг авлоддан-авлодга етказилишида асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 2 июнда "Маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини янада ривожлантириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Бу ҳужжат миллий санъатимизнинг барча йўналишларини тизимли ривожлантириш, ижодкорларнинг салоҳиятини юксалтириш ва устоз-шогирд аъёналарини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим қадам бўлди. Жумладан, мамлакатимизда театр, кино, мақом, миллий чолғу, фольклор, опера ва бошқа йўналишлар бўйича ижодий бирлашмаларни ташкил этиш вазифаси белгиланди. Мазкур жараёнда "Ғижжак чолғу ижрочилиги" йўналиши бўйича ижодий бирлашмага раҳбар этиб Абдуҳошим Исмоиловнинг тайинланиши ҳам бежиз эмас. Бу унинг кўп йиллик ижоди, миллий мусиқа санъати ривожига қўшган муносиб ҳиссаси, давлат тадбирларидаги фаолияти ва устозлик мактабини яратишдаги хизматларининг самарасидир.

Устоз санъаткор: "Мақомнинг ватани – Ўзбекистон. Биз ўзимизнинг миллий мақом санъатимизни муносиб даражада намоён эта олишимиз зарур", дея кўп таъкидлайди. Бу фикрлар унинг ҳақиқий ватанпарварлиги, миллий мақом санъатига бўлган чексиз муҳаббати ва унинг халқро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтириш йўлидаги фидойилигининг ёрқин ифодасидир. Зеро, ҳақиқий санъаткор учун шахсий манфаатдан кўра миллий маданиятнинг шаъни ва нуфузи ҳамиша устувор.

Музаффар САЙФУЛЛАЕВ,
"Ўзбекконцерт" давлат муассасаси
директори ўринбосари

лион АҚШ доллари) миқдорида жаримага тортилиши мумкин. Бунга унинг "яқин тарихдаги энг машхур экстремизмизм эўравонлик ҳаракатларига алоқадор" контентни огоҳлантиришдан кейин ҳам олиб ташламагани сабаб бўлмоқда.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ НАРХИ

Исроил Ғазодаги уруш ҳақида сунъий интеллект тизимли берадиган жавобларни ўзгартириш ва ўз фойдасига йўналтириш учун 46,5 миллион доллар маблағ сарфлади. Бу ҳақда "Drop Site News" нашри ҳисоботида таяниб "Anadolu" хабар берди.



Ҳисоботга кўра, АҚШ президенти Дональд Трампнинг собиқ сайлов кампанияси раҳбари Бред Парскейл ҳамда унинг "Clock Tower X" ком-

ЖАҲОН АЙВОНИДА

TELEGRAM СУДГА
БЕРИЛАДИМИ?



Австралия Telegram мессенжерини "терроризмга мойил" материалларни, жумладан, Крайстчерчдаги отишмалар видеосини олиб ташламагани учун судга тортмоқчи. Бу ҳақда мамлакатнинг электрон хавфсизлик бўйича комиссари Жули Инман-Грантта таяниб "BBC" хабар берди.

Маълум қилинишича, Telegram "Онлайн хавфсизлик тўғрисида"ги қонунга мувофиқ хавфсизлик мажбуриятларини бажармагани учун 54,6 миллион Австралия доллари (38 мил-

жойлашган ташландиқ уйлاردан бирида қўшни давлатга йўналган туннель аниқланган. Дастлабки маълумотларга кўра, туннелнинг чуқурлиги қарий 12 метр, эни эса 1,5 метрни ташкил этади.

АҲОЛИ КАМАЙМОҚДА

Японияда аҳоли сони 42 йил ичида биринчи марта 120 миллиондан пастга тушди. Мамлакат фуқаролари сони жорий йил бошида 119,7 миллион кишини ташкил қилган. Бу ҳақда "Mainichi" хабар берди.



Маълумотларга кўра, жорий йил бошида мамлакатда япон фуқаролари сони ўтган йилга нисбатан 917 минг кишига камайган.



МЕНИНГ ФИКРИМ

ИМЛО ЭСКИРМАСИН

XX асрнинг бошларида, жадид маърифатпарварлари фаолият юритган даврда ўлкамизда матбуот ҳақиқий маънодаги миллий уйғониш минбарига айланган эди. “Садойи Туркистон”, “Садойи Фарғона”, “Инқилоб кўеши” каби 50 дан зиёд газета ва журналлар ўша давр ёзма маданиятининг асоси бўлган эски араб алифбосида чоп этилган. Бу нашрлар миллат тафаккурини уйғотиш, маърифат тарқатиш, тил ва маданиятни сақлаб қолиш учун кураш қуроли эди.

ларнинг ҳақиқий ташувчиси ва тарғибот-чисига айланади. Ҳозирги кунда республикамизда журналистика йўналишида таълим берувчи 20 га яқин олий таълим муассасалари мав-



жуд. Уларнинг ўқув режаларини кўздан кечирсак, бирортасида эски ўзбек ёзуви мустақил, тўлиқ ҳажмдаги фан сифатида ўқитилмайдиган. Айрим жойларда бу мавзу умуман йўқ, айрим жойларда эса у бошқа бир фаннинг таркибида, атиги бир-икки маъруза ҳажмида, юзак тарзда “тегиб ўтилади”, холос.



Баъзи муассасаларда эски ёзув танлов фани сифатида тақлиф этилади. Яъни, уни талаба хоҳласа танлайди, хоҳлама-са – йўқ. Аммо миллий матбуот тарихи, жадидлар мероси, XX аср бошидаги публицистикамиз илдизлари – булар танлаш мумкин бўлган, ихтиёрий мавзулар эмас. Булар ҳар бир журналист учун касбий заруриятдир. Танлов фани сифатидаги ёндашувнинг ўзи муаммонинг қанчалик жиддий эканини тушунмаслик, уни иккинчи даражада деб баҳолашнинг натижасидир. Оқибатда журналистика факультетини битирган ақсарият мутахассислар на XX аср бошидаги миллий матбуотимизнинг асл манбаларини ўқий олади, на таҳлил қила олади. Улар учун “Садойи Туркистон”нинг саҳифалари бегона, тушунарсиз белгилар мажмуасидан бошқа нарса эмас.



Амалиётда кузатилишича, айрим магистратура ва илмий изланиш босқичидаги тадқиқотчилар ҳам жадид матбуоти мавзусида диссертация ёки илмий мақола ёзаётганда, эски ёзувдаги асл манбалар ўрнига кирилл ёзувига ўгирилган тўпламлардан фойдаланиш билан



Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ, профессор

чекланадилар. Бу тўпламлар, шубҳасиз, қимматли, аммо улар ҳам маълум даражада таҳрир, танлов ва талқиндан ўтган иккиламчи манба ҳисобланади. Асл нуса-ха билан танишиш салоҳияти бўлмагани сабабли, тадқиқотчи уни четлаб ўтишга мажбур бўлади.

Бу муаммога етарлича эътибор берилмаслиги оқибатида миллий ёзув маданиятининг бир қатлами – деярли бир аср давомида яратилган бой мерос – амалда “мавхум мерос”га айланиб қолмоқда. У бор, аммо кўпчилик учун ёпиқ, ўқилмайдиган ҳолатда сақланмоқда. Бу эса миллий хотиранинг узилишига олиб келади. Агар масалага бугун эътибор қаратилмаса, эртага соҳада малакали мутахассис тайёрлайдиган устозлар сони ҳам камайиб бораверади. Чунки ҳозирги кунда эски ёзувни биладиган ва уни ўқита оладиган педагог кадрлар сони ҳам чекланган ва улар кексаймоқда.

Вақт ўтган сайин асл манбалар билан бевосита ишлай оладиган мутахассислар сони янада камаё боради, бу эса миллий матбуот тарихи бўйича тадқиқотларнинг сифат жиҳатдан пасайиб кетиш хавфини кучайтиради. Агар бугун бу занжирни узмасак, эртага биз ўз тарихимизни ўрганиш учун яна четга – хорижлик шарқшунослар ёки транслитераторлар тайёрлаган материалларга таяниб қолишимиз мумкин.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2023 йил 23 декабрь куни маънавият вакиллари билан учрашувда “Халқимиз жадид боболаримиз кўрсатиб берган йўлдан олиғмай бориши керак. Чунки уларнинг ғоя ва дастурлари Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамохандир”, дея таъкидлагани ёдимизда. Шунинг учун ҳам бу масалага бепарволик истиқболимизга бефарқликдир.

Юқорида кўтарилган муаммонинг ечими тизимли ёндашувни талаб қилади. Биринчидан, эски ўзбек ёзуви журналистика йўналишида таҳсил олаётган барча гуруҳлар учун мустақил, алоҳида фан сифатида ўқув режасига киритилиши лозим. Иккинчидан, мазкур фан фақат ёзувни ўргатиш билан чекланмаслиги, балки XX аср бошидаги миллий матбуот тарихи, жадид публицистикаси, вақтли матбуотнинг ижтимоий-сиёсий роли билан узвий боғлиқ ҳолда ўқитилиши керак. Ушбу фанни ўқитиш учун малакали педагог кадрлар тайёрлаш борасида алоҳида дастур ишлаб чиқиши, тегишли методик қўлланмалар, ўқув-усlubий мажмуалар яратилиши зарур.

Умуман олганда, эски араб ёзувини мустақил ва мажбурий фан сифатида жорий этиш кенг қамровли масала бўлиб, нафақат жадид матбуотини ўрганиш, балки мумтоз адабиётимиздан баҳраманд бўлиш имкониятини ҳам беради.

муҳаррири Маҳмудхўжа Бехбудий “Хуррият” – 1917 йил, муҳаррирлари Мардонқул Шохмуҳаммадзода, Ақобир Шомансуров, Абдурауф Фитрат Фарғона водийсида (Қўқон, Марғилон): “Садойи Фарғона” – 1914 йил, муҳаррири Обиджон Маҳмудов “Турк сўз” – муҳаррири Обиджон Маҳмудов “Эл байроғи” – муҳаррири Ёллат Солиев Тошкент / умум Туркистон микёсида: “Садойи Туркистон” – 1914 йил, муҳаррири Убайдуллахўжа Асадуллахўжа ўғли “Ал-ислоҳ” (журнал) – 1915-1918 йиллар. Хоразмда: “Инқилоб кўеши” – 1920 йил.

Тадқиқотчи профессор Ҳамидулло Болтабоев маълумотларига кўра, 1910–1920 йилларда Туркистон матбуотида умуман 300 дан ортиқ вақтли нашр фаолият юритган, аммо барчаси узоқ умр кўрмаган – кўпчилиги бир неча ойдан бир-икки йилгача чиққан, чунки чор ва кейинроқ совет цензураси уларни тез-тез таъқиқлаб турган. Ҳар бир нашрнинг аниқ неча сони чиққани бўйича тўлиқ жамланган расмий статистика ҳозирча кенг оммага очиқ манбаларда мавжуд эмас – бу маълумотлар кўпроқ Зиё Саиднинг “Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар (1870–1927)” асари ва Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондидаги архив каталогларида сақланган.

ТАРИХ ВА ТАҚДИР



“ОСМОНДАН ТУШГАН”

ИСМЛАР

Динимизда “Фарзандларингизга гўзал исм қўйинглар”, деб буюрилган. Инсонларга қўйиладиган исмлар вақт ва замонларга мослашувчанлиги ҳам бор. Яқин-яқинларгача кекса ёшдаги кишилар исмларига ажабланиб қарардик. Қўчқор, Қўзибой, Бўрибой, Кетмонбой, Деҳқонбой, Улбўлсин, Ойпўпик, Жумабика... каби қўлмал туркий исмларнинг ҳам ўз тарихи, сабаблари бор. Ёки Хоразмда катта авлод вакилларига қўйилган Қозоқ, Туркман, Ёвмут каби исмлар замирида халқимизнинг кўп асрлик ҳаёти, турмуш тарзи, биродар миллатларга хурмати акс этган. Бу мисолларда қадим қадриятлар, анъана ва одатлар аломатлари мавжуд.

Бунни тўғри қабул қилиш керак. Негаки, бунда ихтиёрийлик мужассам. Ёки фарзандларига футбол ишқибози бўлган оталар қўйган Марадона, Роналдinho, турли кино қаҳрамонларига таассуб қилиб аталган Осиола, Ван Дам, Чингачуқ каби исмларни “замоналашув русуми” сифатида қабул қиламиз. Аммо... Антика исмлар қўйилиши ортида мажбурийлик ҳам бўлганки, мавзумиз шу ҳақида.

Баъзан давраларда: “Сизларда советлар даврида “дохий”лар исмини фарзандларига қўйиш бошқа вилоятларда қараганда нега кенг тарқалган?” – деб сўраб қолишди. Ҳатто айримлар бунни совет тузумига садоқат белгиси ва маддоҳликка ҳам йўйишади. Оғриқли савол, кишини ўйлантирадиган, мулоҳазага қорлайдиган мавзу. Бунинг ортида оммавий онгсизлик ётибдими ёки ёлғонларга ишониш кучлироқми? Балки, бошқа сабаблари бордир?

Эсингиздами, ўтган асрнинг иккинчи ярмида “Осиё устида бўрон” фильми ойнаи жаҳонда кўп намоиш қилинарди. Фильм советлар “зулм ва адолатсизлик учони”, “меҳнаткашларни эксплуатация қилган ёввойи феодал тузумлар” – хонликларни ағдариб, ўрнига “дунёдаги энг адолатли”, “ишчи-деҳқон бирдамлиги” ўрнатгани борасидаги ёлғон мафкуранинг экранныга кўчган нусхаси эди. Фильмда бош қаҳрамон асраб олган етим болага советлар дохийиси номини (аслида, партиявий лақабини) қўйишни сўраб, Москвага шошилинчома юборган ва унинг жавобини кутиб, алоқа бўлиминдан бир неча бор хабар олган саҳналар бор. Фильмга атай киритилган бу кўринишлар якунда қутилган хабарнома келгани билан якунланади. Бундан совет сиёсатчилари номларини оммавий қўйиш тарғиботи ҳам олиб борилган, деган хулосага келиш мумкин. Айни шу тарғибот самараси ўлароқ, Мэлс (советларнинг тўрт дохийиси: Маркс, Энгельс, Ленин, Сталин исмлари бош ҳарфлари йиғиндиси) ёки тўғридан тўғри Ленинза, Сталина, Маркс каби исмлар кўп қўйилган. Аммо, лекин танганинг иккинчи томони борлигини ҳам унутмайлик!

Ўтган асрнинг 37-йили советлар ўтказган “катта террор”га тайёргарлик, аслида, анча олдинроқ бошланган. Биргина соқеани эслатиб кетамиз: 1932 йили Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси қамоққа олиниши ортидан “қосимовчилик” жараёни бошланган. Шундан сўнг тизимда ишлайётган катта-кичик раҳбарлар оммавий тарзда қатагонга учраган – ҳўлу қуруқ баробар ёнган. Шажараси машҳур таассуф пирларидан Абдуқодир Гилонийёга бориб тақаладиган, тарих тақозоси билан воҳани ватан тутган, отаси хонлик замониди Ғазовот беклиги ҳокими бўлган Абдуқодир Асқаров ўша машъум йилларда аввал Хонқа тумани прокурори, сўнг вилоят суди судьяси бўлиб ишлаган. Ҳамкасблари бирин-кетин қамоққа олинаётганини кўрган, вояга етмаган бир этак болалари тақдирини ўйлаган Абдуқодир Асқаров 1934 йилнинг қишида дунёга келган қизига Ленинза исмини қўяди. Саййидзода инсон советларнинг динсиз дохийиси исмини фарзандига қўйиши иложсизликдан – “Шояд шу туфайли қамалмай қолсам, оилам пароканда бўлиб кетмаса”, деган илинж сабабли эди.

Афсуски, ҳали бешиқда ётган, ўзига қандай исм тақалгандан беҳабар қизалоқ уч йилдан сўнг ярим тунда хароба қулбалари эшигини тақиллатиб кириб келган одамдан ўзини олиб қочади, онаси ва акалари тинмай бағрига бо-

саётган “нотаниш киши”га ёвқараш қилиб туради. Кейинчалик эси кирган, отаси қатагонга учраб уч йил қамоқда ётганини билади. Ноҳақ қатагон жабрини тортиш отаси қисматиға барибир ёзилган экан.

Мудҳиш даврларда отаси мажбуран бегона исм қўйган қиз вақти келиб турли масъул ва-зифаларда ишлайди, воҳа тарихида илк бор (ва ҳамон ягона) вилоят марказининг биринчи раҳбари даражасига кўтарилади, узоқ йиллар вилоят касб-хунар бошқармаси бошлиғи сифатида минглаб ёшларнинг ҳаётида ўз ўринларини топишларида ёрдам беради.

Онахон бугун 92 ёшда. Ҳалиям тетик, фаол, турли тadbирларда ёшларга мустақиллигимиз берган энг азиз неъматлар ҳақида гурунғ беришдан чарчамайди. Отаси ноҳақ қамалган даврда онаси бир этак болалари билан яқинлари хонадонларида жон сақлашгани, отаси қамоқдан қайтгач, суд-хуқуқ тизимига яқинлаштирилмасдан ҳўжаки ишларига жалб қилингани сабабли, болалиғи, ўқувчилик даври бир эмас учта туманда кечгани, отаси пешонасига урилган “халқ душмани” тамғаси бир умр фарзандларини ҳам таъкиб қилгани, шаҳар раҳбарлигидан бўшатилиши ортида ҳам шу “ишонсиз кадр” мақоми тургани, бугун вилоят аҳли хурмат билан ҳожи она деб эъзозлаши сабабини истиқлол шарофатидан деб билиши ҳақида сўзлайди.

Мустақилликдан кейин Хоразм вилоятининг биринчи ҳокими бўлиб ишлаган раҳматли Маркс ака Жуманиёзов “Эсимда қолган онлар” хотира китобида ўзига қўйилган исм тарихини ҳам айнан қатагон билан боғлаган. Отаси Жуманиёз ака қолхозда оддий бригадир бўлган. 1937 йил қатағони у кишининг кўплаб ҳамкасблари, танишларини ўз домига тортиб кетган. Ҳар кун радиодан “Халқ душманларига ўлим!”, “Троцкий-зиновьевчи хонларга шафқат бўлмаслиги керак!” каби шiorлар янграб турган замонда дунёга келган ўғлига қишлоқ совети раиси тақлифи билан коммунистлар дохийиси исмини қўйган. Балки тақдирдир, балки айнаи шу исм боисдир, қамалмай қолган.

Жадид ҳаракатиға қўшилиб, истибдоддаги элни маърифат нури билан баҳраманд қилишни орзу этган, шу йўлда мубҳам давр ва сиёсат тўсиқларига неча бора бошлари урилган зиёлилар ўз ҳаётларини ихота қилиш учун замонасозлик йўлини тутишга мажбур бўлгани ҳам биламиз. Хоразмда жадид ҳаракати таъсирида кураш майдониға чиққан Қурбон Берекан ёки Қосим Сорокин каби зиёлилар ўзларига ўзга забонли шариф танлашлари ортида ҳам мажбурийлик ётибди. Афсуски, “берекан” – “сақла” сўзини шариф қилиб олган инсон ҳаёти совет зиндонларида якун топган.

Бизга ёт исмлар сиёсат туфайли мажбурий қўйилганини тушуниш мумкин. Аммо совет даврида сохта тарих онига қўйилган, ёлғонларга ишонган айрим ота-оналар фарзандларига Фрунзе, Маркс каби исмларни танлагани ачинарли. Бу каби исмлар кўпроқ совет даврида масъул вазифаларда ишлаган, ўзини “чин коммунист” санаган шахслар томонидан фарзандларига қўйилгани ортида эса манфаат ётгани сир эмас.

Яна бир ачинарли ҳол: ўтган асрнинг 70-80-йилларида қишлоғимиз маҳкамасида қотиб вазиғасида ишлаган рус тили муаллими ўз танишлари, яқинлари фарзанд қўрганида, уларнинг “туғилиш шаходатнома”лариға Владимир, Николай каби исмларни ёппасига ёзаверган. Нега бу исмларни берухаст ёздигиз, деб эътироз билдирганларға, “Тепадан шундай топширик келди! Нима, сиз давлат сиёсатиға қаршимисиз? Пролетариат дохийиси исмини ёмон кўрасизми?” – деб қўрқитган. Ноилож қолган ота-оналар фарзандларини оила даврасида ўзлари танлаган бошқа исм билан қақиршидан, ҳўжаатидаги исм билан фақат синфдошлари атаган. Мажбурий-ихтиёрий икки исмға эға бўлган бу инсонлар мустақиллик даврида ўз исмларидан уялишди, айримлари исмларини расман ўзгартирди.

Нима деймиз, салкам саксон йил давр сурган советлар нафақат қадим қадриятларимиз, тилимиз, динимиз, ёзувимиз, балки исимимизға ҳам ўчмас жароҳатлар қадаб кетди...

Рўзимбой ҲАСАН

МАВЗУГА ДОИР ЭСЛАТМА:

Тарих фани маълумотларига кўра, XX аср бошлари – тахминан 1905–1918 йилларда, жадид маърифатпарварлари даврида эски араб алифбосида қуйидаги асосий вақтли матбуот нашрлари чоп этилган.

Тошкентда: “Тараққий” – 1906 йил, муҳаррири Исмоил Обидий “Хуриш” – 1906 йил, муҳаррири Мунаввар қори Абдурашидхонов “Шўҳрат” – 1907 йил, муҳаррири Абдулла Авлоний “Осиё” – 1908 йил, муҳаррири Аҳмаджон Бектемиров “Нажот” – 1917-18 йиллар, муҳаррири Мунаввар қори “Кенаш” – 1917-18 йиллар, муҳаррирлари Аҳмад Заки Валидий, Мунаввар қори “Турон” – 1917-18 йиллар, муҳаррирлари М.Афандизода, Абдулла Авлоний “Улуғ Туркистон” – 1917-18 йиллар, муҳаррири Кабир Бакиров “Шўро Исломи” – 1917-18 йиллар, муҳаррири Абдулла Баттол “Турк сўзи” – 1917-18 йиллар, муҳаррири Темирбек Худоёрхонов “Турк эли” – 1917-18 йиллар. Самарқандда: “Самарқанд” – 1913 йил, муҳаррири Бехбудий “Ойна” (журнал) – 1913–1915 йиллар,



ҲИСОБЧИГА ҲИСОБСИЗ ЖАЗО

Бошланиши 1-саҳифада.

У меҳнат фаолиятини 1923 йили Избоскан туманида ўқитувчиликдан бошлаган. Хужжатларда унинг машҳур тараққийпарвар Орзиқул Тўрақулов билан бир вақтда турли мактабларда педагогик фаолият олиб боргани қайд этилган. Совет ҳокимияти томонидан жадидларга тазйиқлар қўйирилган, “ёшлар онгини ёт гоёлар билан заҳарлаш”да айбланиб, таълим тизимидан четлатилган. 1933 йили “Миллий иттиҳод” ташкилотининг Андижон шўъбаси фаол аъзоси сифатида яна ҳибсга олинган. 1935 йили ҳибсдан озод қилиниб, Избоскан тумани Мойгир қишлоғига қайтиб келган. “Қизил Юлдуз” колхози ҳисобчиси вазифасида ишлаб, такроран қамоққа олинувчи қадар ўша ерда фаолиятини давом эттирган.


1937 йил 9 августда Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Разведка ва тергов бошқармасининг 4-бўлими тезкор вакили, давлат хавфсизлиги сержанти Деревяненко томонидан Мамарасул Расуловга оид материаллар қўриб чиқилиб, жиноят иши қўзғатилади. 1937 йил 9 август куни 27-рақам билан қайд этилган ордер асосида айбланувчининг уйида тинтув ўтказилади.

Ҳибсхонадаги дастлабки сўроқлардан оқ терговнинг қай йўсинда олиб борилгани кўринади. У ерда ҳақ қарор топиши эмас, ҳар қандай воқеа ва сўздан сиёсий қўсур излаш одат эди. Баъзан бунинг учун энг оддий ҳаётий ҳолат ҳам қиёфа қиларди. Масалан, Акмал Икромов иштирок этган тадбирга кириш учун мандат берилмагани ҳақидаги оддий норозилик бир неча марта сўроқ мавзусига айлантирилади. Мамарасул Расулов “нутқни тинглашдан бошқа ҳеч қандай мақсадим бўлмаган”, деб қайта-қайта таъкидлашига қарамай, бу изоҳ “айблов далили”га айлантирилади.

Ушбу иш доирасида бир неча гувоҳ ва айбланувчилар тергов қилинган. Тергов ишига доир чакув хатида қуйидаги маълумотлар келтирилади: “Мен колхоз бошқаруви идорасида Маматхолиқов, Иброҳим Норинбоев, Шодмон Назаров ва Мамарасул Расулов билан бирга эдим. Аниқ сана эсимда йўқ, бироқ ўша пайтда ҳаммамиз ишлаб ўтирганимизда, “Қизил Ўзбекистон” газетасида Ф.Хўжаевнинг лавозимидан озод этилгани ҳақидаги хабар эълон қилинди. Шунда Расулов йиғилганларга қараб шундай деди: “Ф.Хўжаевни ишдан бўшатиш хато бўлди. У биз учун кўп яхшилиқ қилган. Уни аксипинқилобий ҳаракатларда айблашмоқда. Шўро тузуми учун қанча ишласанг ҳам, барибир, ёмон бўлиб қоласан. Ф.Хўжаевни ҳам бекорга айблашлари мумкин. Уни ўзини отиб ўлдирган уқасининг қабри устига лотин ёзувида эмас, эски араб ёзувимизда хат ёздирганликда айблашди, холос. Шунинг учун уни миллатчилиқда айблашмоқда”. Расуловнинг ушбу гапларидан кейин мен

ҳам, у ерда ҳозир бўлган бошқа шахслар ҳам ҳеч нарса демасдиқ”.

Расуловга нисбатан “босмачилик” ҳаракати билан ҳамкорлик айби ҳам қўйилган ҳамда мазкур айбловларни тасдиқлаш мақсадида бир қанча “чақув” хатлари асос қилиб олинган. Тергов материалларига кўра, 1923 йили Андижондаги мактабда ишлаётган вақтида у миллий истиқлол ҳаракати аъзолари томонидан сафарбар қилинган. Қозоқ кўрбошиси уни Фарғона яқинидаги Форча қишлоғида бўлган Шермуҳаммад (хужжатларда Шермат деб берилган) кўрбоши ҳузурига юборган. Шермуҳаммад кўрбоши эса уни, яна 80 киши билан бирга, Афғонистоннинг Хонобод шаҳрига жўнатган. У ерда улар Афғонистон ҳарбий вазири Муҳаммад Нодирхон қабулида бўлган. Шундан сўнг барчаси кўмондонлик штаблари учун кадрлар тайёрлаш мақсадида ташкил этилган уч ойлик ҳарбий тайёргарлик курсларида қатнашган. Курс якунланган, улар Қизил Армияга қарши курашиш учун Ўзбекистонга юборилиши керак бўлган.



Мамарасул Расулов ўз кўрсатмаларида Афғонистондаги тайёргарликни тугатган, 40 кун давомида Шарқий Бухорода Қизил Армия қисмларига қарши жангларда иштирок этгани, 1923 йил июль ойида эса Андижонга қайтганини таъкидлайди. Бунинг учун Анвар Пошо ҳалок бўлганидан кейин Шарқий Бухорода совет қўшинларининг устунлиққа эриша бошлагани билан изоҳлайди.

Мамарасул Расуловга нисбатан юритилган тергов ишида асосий қарор ва гувоҳлар кўрсатмаларидан ташқари, Ички ишлар халқ комиссарлиги томонидан йиғилган қўшимча маълумотлар ҳам айблов ишига илова қилинган. Тергов хужжатларида бу маълумотлар турли махфий ахборот берувчилар, агентлар ва чақимчилар томонидан етказилгани қайд этилади. Шу асосда 1936 йил 20 июлда “Маданият ходими” таҳаллуси билан тайёрланган меморандум иш материалларига киритилган. Унинг биринчи қисмида Мамарасул Расулов “Қизил Юлдуз” колхозининг ҳисобчиси сифатида тавсифланади. Хужжатда у ўзбек (айрим жойларда ўзбек/тожик деб ҳам

кўрсатилган), Андижон тумани Толмазор қишлоғида туғилган, зиёли шахс ҳамда инқилобнинг дастлабки йилларида “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси бўлгани ҳақида даъво келтирилади.

Тергов материалларида 1936 йил 8 апрель куни колхознинг умумий йиғилишида хотин-қизларнинг паранжи ташлаши ва аёллар озодлиги масаласи муҳокама қилингани қайд этилади. Меморандумда ёзилишича, Расулов йиғилиш давомида колхоз раиси заҳирада сақланаётган 8000 килограмм шолини сотиб, унинг ҳисобига от сотиб олмоқчи эканини маълум қилган. Бу эса колхозчилар ўртасида шов-шувга сабаб бўлиб, йиғилишнинг асосий мавзуси ҳисобланган аёлларнинг юзини очиш масаласи иккинчи даражага тушиб қолгани қайд этилган.

Эътиборлиси, меморандум муаллифи аини шу ҳолатни Расуловга қарши айблов сифатида келтиради. Ҳолбуки, йиғилишда колхоз мулкидан фойдаланиш масаласининг муҳокама қилиниши табиий ҳол эди. Бироқ ўша йилларда хотин-қизларни озод

қилиш сиёсати партиянинг муҳим мафкурaviй вазифаларидан бири ҳисоблангани боис, унинг муҳокамасини бошқа масалага буриб юбориш сиёсий нуқсон сифатида баҳоланган. Шу сабабли, оддий ҳўжалик масаласи юзасидан билдирилган муносабат ҳам кейинчалик Расуловга қарши айбловлар қаторига киритилган.

Меморандумнинг кейинги қисми терговчилар эътиборини Расуловнинг маҳаллий раҳбарлар билан муносабатларига қаратади. Хужжатда унинг қишлоқ раҳбарларидан бири билан келишмовчиликка боргани, бу низо ортидан мазкур шахснинг лавозимидан озод этилгани қайд этилади. Шундан сўнг, меморандум муаллифи гўё аввалги ҳолатларни тасдиқловчи далил сифатида 1935 йилга оид яна бир айбловни келтиради. Унда Расулов колхоз ҳисобчиси бўлиб ишлаган даврида даромадларни тақсимлаш пайтида 10 минг сўм маблағни ўзлаштиришга урингани, аммо бу ҳаракат вақтида фош этилгани иддао қилинади.

Бу айбловларнинг энг эътиборли томони уларнинг манбасида намоён бўлади.

Тергов материалларига кўра, мазкур маълумотлар “Пайза” таҳаллуси билан фаолият юритган махфий ахборот берувчидан олинган. Демак, Расуловга қарши шакллантирилган тасаввурнинг муҳим қисми бевосита хужжатлар ёки суд қарорларига эмас, балки яширин ахборотчиларнинг хабарларига таянган. Қатагон йилларида ана шундай хабарлар кўпинча ҳақиқатни аниқлаш воситаси эмас, балки аввалдан шакллантирилган гумонни мустаҳкамлашга хизмат қилган.


Тергов хужжатларида Мамарасул Расулов таълим олган муҳит ҳам сиёсий нуқтаи назардан баҳоланган. Унда Биринчи жаҳон уруши тугаганидан кейин турк зобитлари Туркистон ёшлари орасида пантуркчилик гоёларни тарқатиш мақсадида турли мактаб ва курслар ташкил этгани, Расулов эса 1918 йилда миллионер Миркомил Мирмуминбоев ташаббуси билан Андижонда очилган олти ойлик ўқитувчилар курсида таҳсил олгани қайд этилган. Терговчилар мазкур курсларга турк ҳарбий зобитлари раҳбарлик қилгани ва курс ўқитувчилари орасида Усмонхон Эшонхўжаев, Хусайнхон Ниёзий, Хусайн Хусни Афанди ҳамда Мутин Афанди каби шахслар фаолият юритганини таъкидлаб, бу ҳолатни ҳам айбловни қўйиштиришга хизмат қилувчи далил сифатида талқин қилган. Айблов материалларининг кейинги қисмида қаҳрамонимизнинг Анвар Пошо қўшинлари тарқаб кетганидан кейин Фарғонага қайтгани, маълум вақт Тошкентда Муҳаммаджон домланинг уйида яширингани, кейин ҳибсга олиниб, жазо ўтагани ҳақида маълумотлар келтирилган. Хужжатларда жазо муддати тугаган, у Тошкентдаги мактаблардан бирига ўқитувчи бўлиб ишга киргани, аммо ёшлар онгига зарарли гоёларни синдириши мумкин, деган иддао билан шаҳар маориф бўлими томонидан ишдан бўшатилгани қайд этилган.

Тергов органлари Мамарасул Расуловнинг шахсий алоқалари ҳақида ҳам маълумотлар тўплаган. Уларда 1929 йилда қатагон қилинган Андижондаги “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзолари ва ташкилотчилари Абдулла ҳожи Ғофуров, Убайдулла эшон Сулаймонқулов, Сайфи Камолов, Абдумуталлиб Каримов, Шермат қори Ашуров ҳамда Абдусатторов билан мунтазам алоқада бўлгани ҳақида даъволар келтирилган. 1936 йили Тошкентга келганида “Миллий иттиҳод”нинг фаол аъзоси сифатида кўрсатилган Муҳаммаджон домла билан бир неча марта учрашгани ҳам айбловга асос қилиб олинган.

Мамарасул Расуловга “Учлик” томонидан 1937 йил 29 августда энг оғир жазо – отув ҳукми чиқарилган, унга тегишли мол-мулкларни мусодара қилиш белгилаб қўйилган. Шу тариқа яна бир ватандошимиз навқирон 37 ёшида советларнинг жирканч қатагон сиёсатининг қурбони бўлган...

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

АЗИЗ ХОТИРА



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Мулла Қамбар Содиқов – 1879 йили Андижонда таваллуд топган. “Шўрои Исло” ташкилоти аъзоси бўлган. 1930 йилда колхозлаштиришга қарши ҳаракатнинг фаол иштирокчиси. Аҳоли орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги тарғибот олиб борганликда, буржуа давлатини мақтаганликда айбланган. ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-бандига асосланиб, 1937 йил 21 ноябрда 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. 1989 йил 10 июлда оқланган.

Вадим Чайкин – 1886 йили Курск губернияси Слоновск волостида туғилган. Журналист бўлиб ишлаган. 1916 йили Андижонга келган. Жадид маърифатпарварлари билан елкама-елка туриб, Россия ва унинг мустамлакачилигига, сўнгра мустабид совет тузумига қарши кураш олиб борган. “Тараққийпарварлар” жамиятининг фаол аъзоси бўлган. Ижтимоий-сиёсий фаолияти совет ҳокимияти жазо идоралари томонидан доимий тазйиқ, таъқиб, қувғинга учраган.

1933 йили 21 февралда Тошкент шаҳридаги Новая кўчаси, 9-уйда ҳибсга олинган. 15 мартда кафилик билан озодликка чиқарилган. Бироқ ОГПУ коллегияси ҳузуридagi махсус кенгаш 4 октябрда ОГПУ орқали Қозоғистонга 3 йил муддатга сургун қилган. Сургундан қайтган, 1941 йил 8 сентябрда СССР Олий суди ҳарбий коллегияси РСФСР Жиноят кодекси 2-боб 10-моддаси билан отувга ҳукм қилинган.

Маннон Рамзий Абдуллаевич – 1895 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. ЎзССР Маориф халқ комиссари сифатида фаолият юритган. 1930 йили ОГПУ томонидан ҳибсга олинган. “Миллий истиқлол” ташкилотининг етакчиларидан. Боту, Олтой ва бошқалар билан совет ҳўкуматига қарши кураш олиб борганликда айбланган ва 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Абдуғаффор Абдураимхўжаев – 1871 йили Андижон шаҳрида туғилган. “Шўрои Исло” ташкилоти аъзоси бўлганликда айбланиб, 1921 йили 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Аҳоли орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксипинқилобий тарғибот олиб боргани учун ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди билан ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги “учлиги”нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилишида 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган.

Қодирхўжа Ваҳобов – 1898 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Эски шаҳарда янги усулдаги жадид мактабда таълим олган. Аввал беш ойлик саводсизликни тугатиш курсида, 1923-1924 йилларда тўрт ойлик алоқа-телеграф курсида ҳам таҳсил олган. Ўқитувчилик қилган.

1925–1927 йилларда Тошкентда кооператив мудир, 1928–1931 йилларда фабрика ишчиси, кейинроқ фабрика директори ўринбосари, пойабзал фабрикаси ишчилари таъминоти бўйича директор ўринбосари, 1933 йилда директор, 1936 йил 5 декабрдан Тошкент шаҳар Сталин райони ижроия комитети раиси лавозимларида ишлаган.

Рус, татар ва қозоқ тилларини мукаммал билган. 1938 йил 14 октябрда СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг сайёр сессиясида 15 нафар маҳбус иши кўриб чиқилган ва қайта тергов қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Улардан бири Қодирхўжа Ваҳобов бўлган, юртдошимизнинг кейинги тақдири номаълум.

Азизбек МАҲКАМОВ,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори
Нигорахон АКБАРОВА,
тадқиқотчи

(Давоми келгуси сонда).

МУҲИМ МАНБА

Саҳифалардаги сабоқлар

Тарих – халқнинг ўтмиши, бугуни ва эртаси ўртасидаги мустаҳкам кўприк. Тарихини теран англаган миллатгина келажагини ишонч билан барпо этади. Шу маънода, археолог, тарихшунос ва публицист Амриддин Бердимуродовнинг “Саҳифаларга сочилган сабоқлар” китоби шунчаки маълумотлар жамланмаси ёки тарихий сана, ҳодисалар шарҳидан иборат эмас. Унда тарихни халқнинг муқаддас хотираси деб эъзозловчи, бутун умр осори-атиқалар, қадимий ёдгорликларни излаб топиш, уни асраб-авайлашга ҳаҳд қилган археолог ёзувчининг бошдан кечирганлари, миллий археологиямизнинг йўқотиш ва эврилишлари ҳақида сўз боради.



миздаги ўрни ҳақида муҳим фикрлар илгари сурилади.

Асар беш бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда истиқлол гоёси, миллий мерос, Темурийлар Ренессанси, миллий гурур

ва тарихий хотира масалалари таҳлил қилинган. Кейинги бўлимдан қадимги Турон, Искандар Македонский, Чингизхон даври, Буюк Ипак йўли, қадимий шаҳарлар тарихи ҳақидаги қизиқарли мулоҳазалар ўрин олган. Муаллиф тарихий манбаларни археологик далиллар билан уйғунлаштириб, ўқувчига яхши таниш бўлган айрим қарашларга янгича нигоҳ ташлайди.

Китобнинг учинчи бўлими Амир Темур ва темурийлар даврига бағишлангани билан алоҳида аҳамиятга эга. Унда Соҳибқироннинг давлатчилик сиёсати, бунёдкорлик фаолияти, илм-фан ва маданият тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, Робия Султонбеги сингари тарихда муносиб ўрин тутган аёллар тақдирига бағишланган мақолалар китоб мазмунини янада бойитган. Муаллиф тарихий шахсларни ортиқча маҳд этмасдан, уларнинг фаолиятини илмий манбалар ва далиллар асосида таҳлил қилади. Сўнгги бўлимларда турли мавзуларга бағишланган публицистик мақолалар жамланган. Уларда нафақат тарих, балки санъат, маданият, маънавият, миллий қадриятлар, археологик кашфиётлар ва замонавий тараққиёт масалалари ҳам қамраб олинган.

Китоб тили содда, раван ва таъсирчан. Илмий маълумотлар бадиий мушоҳада-

лар билан уйғунлашганки, китобхон асло зерикмайди. Асарнинг яна бир таъсирли жиҳати, унда маънавий жасорат, ватанпарварлик руҳи кучли. Бу туйғу тарихий ҳақиқат, илмий далил ва ҳаётий мисоллар воситасида ифода этилган. Муаллиф ўқувчини ўтмиш билан фахрланишга қақириш билан бирга, ўз тарихини ва ундан тўғри хулоса чиқариш зарурлигини ҳам ўқитилади.

Археолог 1991 йил 8 январда “Ёш ленинчи” газетасида чоп этилган мақола-сида: “Агар биз Ўзбекистон аталмиш табарруқ заминда озод, ривожланган, ҳар томонлама мукаммал давлат қуришни ният қилган бўлсак, ўтмишимиз ва келажагимизга ҳам ўзимиз эгаллик қилишимиз керак”, дейди. Энг муҳими, у ўқувчида ўтмишга нисбатан ҳўрмат, миллий гурур ва келажақ учун масъулият туйғусини шакллантиради.

Миллат хотирасига эҳтиром, Ватан тақдирига даҳлдорлик туйғусини тарғиб этувчи бу каби китоблар аждодлар меросини асраб-авайлаш, миллий ўзлиқни мустаҳкамлаш ва келажақ авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлида муҳим қўлланмалардан бири, деб баҳолашимиз мумкин.

Муяссар ИБРОҲИМОВА



ХОТИРА



Омон МАТЖОН: “Аввалгиларга ўхшамас...”

1986 йили “Шўъла” тўғарагида шоир Омон Матжон билан учрашув ўтказилганида бир қанча мавзулар қатори Алишер Навоийга атаб ул зоти муборак номи билан аталган кўча майдонида ўрнатилган ҳайкал ҳақида мулоҳазаларини айтиб ўтганди:

“Талабалик пайтимизда Навоий таваллудига бахшида тантананага олиб боришганида, курсдошларимиз орасида гулдас-

та қўйиш менинг чекимга тушганди. Мен курсимиз номидан бир қучоқ оқ ва қизил чиннигулларни бобоимиз оёғи остига қўйишга ҳаракат қилдим. Ҳайкал шоҳсупаси пойи ҳукумат ва бошқа муассасаларнинг гулчамбари билан банд бўлганидан, оёқ учидан турганча, қўлларимни чўзиб ҳам Ҳазратнинг пойига етолмай, гулдастани шоҳсупага отдим, аммо паришон гулларимнинг айримлари етиб борди, айримлари ерга қайтиб тушди.

Йигирма йиллик гапни нимага эслаб қолдим? Ҳозир сизлар билан учрашувга келаётиб, ўша ҳолат эсимга тушиб, шоҳсупага бўйлашсам, кифтим баробар пасайиб кетибди. Йигирма йил ичида менинг бўйим ўсдими ё шоҳсупа ерга чўкди? Бу орада балки бир қўлоч пасайтирилган ҳам чиқар. Тегинли идораларда ҳайкалларнинг, шоҳсупаларининг бўйини ўлчаб юрадиган арбоблар бўларди. Ушлар “Нимага фалон шоир оғамизнинг ҳайкали Навоий-

никидан беш қарич паст, хато тузатилсин!” деган бўлиши ҳам мумкинми?! Мумкинчилиги бор...”

Учрашувдан кейин атайин шу тарафдан юриб, ҳақиқатан, шоҳсупа анча паст эканига гувоҳ бўлдик, балки йўқсилпарасти арбоблар даҳони халққа яқинлаштирмакчи бўлишгандир...

Бу орада беш-ўн йил ўтиб, Мустақилликдан кейин шоҳсупа сезиларли даражада ўсди – Навоий пойи қўл етмас юксакликка кўтарилди.

Оллоёр БЕГАЛИЕВ



“Кирма савдо баҳрига оламдан истаб судким, Сийм нақди тушса, лекин умр нақди сийғолур. Алишер НАВОЙЙ

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

“KAITI AKITANGA”

Тилишунослар дунёдаги энг чиройли сўзни танладилар. Уни бир уринишда талаффуз қила оласизми?



“Babel” тил ўрганиш платформаси дунёдаги энг чиройли сўзни топиш учун илк бор танлов ўтказди. Мутахассислар 75 дан ортиқ тилдан 223 та иштирокчи сўзни тўплади ва халқаро ҳакамлар ҳайъати сўзларнинг жаранги, маъноси, ноёблиги ва маданий аҳамиятига кўра уларни баҳолади. Бу ҳақда Германиянинг “Bild” газетаси хабар берди.

Ғолиб Янги Зеландиянинг туб аҳолиси – маори миллати тилидан олинган “кайтиакитанга” сўзи бўлди. Бу атама табиатни ҳимоя қилиш ва уни келажақ авлодлар учун сақлаб қолиш инсоннинг масъулиятли вазифаси эканини ифода этади. Шундай ажойиб маъноли сўз “кай-ти-а-ки-тан-га” тарзида талаффуз қилинади.

Аҳамиятли жиҳати, маори халқининг дунёқарашига кўра, одамлар табиатга эгалик қила олмайди, балки улар табиатнинг таркибий бир қисми ва асровчисидир.

Маорилар Шарқий Полинезиядан Янги Зеландия ороллари 1250–1300 йилларда келган кўчманчиларнинг авлодларидир. Уларнинг тили полинезия гуруҳига мансуб бўлиб, 1987 йилдан бери мамлакатнинг расмий тили ҳисобланади.

Қисқа рўйхатга яна қайси сўзлар киритилган?

Ғолибликка даъвогар каломлар орасида куйидаги сўзлар ҳам бор эди:

ҳаётдаги мақсад туйғусини ифода этадиган японча “икигай”;

кимдир ёки нимандир чуқур соғинишни ифодаладиган португалча “саудаде”; йўқотилган ёки ҳеч қачон мавжуд бўлмаган уй қайғусига оид уэлсча “хираэст”.

Танловга, шунингдек, бутун жумлада ифода этиш ёки таржима қилиш қийин бўлган сўзлар ҳам киритилди. Масалан, яган тилидаги “мамихлапинатапан” – ҳар бири иккинчисининг ўзи томон илк қадамни қўйишини хоҳлайдиган икки кишининг нигоҳларини тасвирлайди. Финча “поронкусема” сўзи буғунинг маълум вақт оралиғида босиб ўтиши мумкин бўлган масофани англатади.

Ғолиб қандай танланди?

Ташкилотчилар Reddit, TikTok ва онлайн тил ҳамжамиятларидаги мунозараларни кўриб чиқдилар. Олинган қисқа рўйхат тилишунослар, ёзувчилар ва маданиятшунослардан иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилди. Улар сўзларнинг оҳанги билан бирга, уларнинг маъносига, ноёблиги ва халқ маданияти билан боғлиқлигига алоҳида аҳамият бердилар.

Дарвоқе...

“Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига”, деган гап бор. Сиз бу танловга она тилимиздан қайси сўзни тақдим этган бўлардингиз, муҳтарам газетхон? Марҳамат, ёзиб юборинг – фикрингиз биз учун қизиқ.

“Smartpress.by” маълумоти асосида И.БҮРИБОЕВ тайёрлади.

КУЗАТУВ



УЙҚУСИРАШ

Ўтган барча фозиллар, олиму уламолардан бир ўғит мерос: кам е, кам де, кам ухла. Аммо ана шу “кам”нинг ҳам меъёри бор, хусусан, уйку борасида. Тун борлиқнинг ороми, жами жонзотларнинг қувватини тиклаши, эртанги кунга ҳозир бўлиши учун яратилган. Аммо узун тун бўйи, қоп-қоронғида ҳам миллионлаб одамларнинг қўлидаги кичик экранлар ёниб туради. Кимдир навбатдаги қисқа видеони томоша қилмоқда, кимдир ижтимоий тармоқда баҳslashмоқда, яна биров нимадир хабарларни ахтараётир.

Бугун инсоният ҳар қачонгидан кўра кўпроқ чарчаган, асабий зўриққан, хордиқ чиқаришга, меҳрга муҳтож. У ҳар қачонгидан кимроқ ухлаётган, кам меҳр улашаётган даврини яшайпти. Бу ҳол қачонгача давом этади? Қачондир телефон одамзотнинг жонига тегармикин?

Уйку – инсонга берилган буюк неъматлардан бири. Овқат танани тўйинтирса, уйку мия ва руҳни озиқлантиради. Кайфиятни яхшилайти, тана қувватини, хотирани янгилайди. Инсон бир неча кун овқатсиз яшаши мумкин, аммо узок вақт уйкудан маҳрум бўлса, бутун организм издан чиқади, ҳатто мия ўзини тиклай олмаслиги мумкин. Уйкусизлик ҳаёт сифатини, фикрлаш қobiliяти ва ҳатто умр давомийлигини ҳам аста-секин қисқартиради. Олимлар уйкусизлики оддий одат, жисмнинг кўникмаси сифатида эмас, балки инсоният хотирасининг кучсизланиши сабабчиси баҳолаб, янги асрнинг “сокин эпидемияси” деб аташмоқда. Бу шундай кенг тарқалган касалликки, унинг оғриги сезилмайди. Бу касаллик болаларга катталардан юкмоқда.

Бугун уйкусизлик одатий ҳол бўлиб қолди. Одамлар уни муаммо деб ҳисобламай ҳам қўйишди. “Тўрт-беш соат ухласам етарли”, “Ҳали ёшман, кучим бор”, “Дам олишга вақт йўқ, ишим кўп” каби баҳоналар билан ўзини овутиямиз.

Инсон учун ҳар кеча ўртача етти-саккиз соатлик сифатли уйку зарур. Мактабгача ёшдаги болаларда уйку соатлари ундан ҳам кўп бўлиши лозим. Ҳатто организмнинг иммун тизими ҳам асосан тунги уйку пайтида фаоллашади. Қизиғи шундаки, уйкусизлик фақат кўз остидаги қора ҳалқалар ёки мудроқ билан чекланмайди. У инсоннинг бутун жисмига, энг ёмони, бор ҳаётига таъсир кўрсатади. Кўплаб мамлакатларда уйкуга тўймаган ҳайдовчиларнинг хавфи маст ҳайдовчилар хавфи билан тенглаштирилиши бежиз эмас.

Яна бир қизиқ ҳақиқат бор: инсон ухлаётганда мия дам олмайди. Аксинча, у жуда катта ишни бажаради. Нейробиологлар бу жараёни шаҳар кўчаларини тозалашга қиёслашди. Кун давомида мия хужайралари фаол ишлаганда турли чиқиндилар ҳосил бўлади. Уйку пайтида эса миянинг ўзига хос “тозалаш тизими” ишга тушиб, бу чиқиндиларни чиқариб юборади. Шу боис, мунтазам уйкусизлик келажақда хотира билан боғлиқ касалликлар хавфини ошириши мумкинлиги ҳақида илмий қарашлар мавжуд.

Энг ачинарлиси, оила аъзолари бир хонада ўтирган бўлса ҳам, ҳар ким ўз экрани билан банд. Сухбатлар йўқ, китоблар жавонда чанг босган, табиатни кузатиш камайган, фикрлаш, фикрлашиш ёдга келмай қўйган.

Кечкуруни китоб муролаеси инсонни табиий равишда тинчлантиради. Китоб ўқиган мия бир воқеадан иккинчисига сакрамайди, у образларни тасаввур қилади, мулоҳаза юритади, қаҳрамонлар билан бирга яшайди. Бу

жараён асаб тизимини тинчлантириб, уйку учун қулай муҳит яратади. Шунинг учун ҳам кўплаб мутахассислар ухлашдан ярим соат олдин телефон эмас, китоб танлашни тавсия этади.

Табиат энг яхши табиблардан бири. Эрталабки куёш нурида сайр қилиш, дарахтлар шивирини тинглаш, осмонга қараш, қўшларни кузатиш асаб тизимига ижобий таъсир кўрсатиши, тунги уйкуни меъёрлаштириши илмий тадқиқотларда қайд этилган. Бунинг учун тоғларга чиқиш шарт эмас. Ҳатто боғдаги ўн беш-йигирма дақиқалик сайр ҳам кайфиятни кўтариши, стресс гормонларини камайтириши мумкин. Табиат инсоннинг вақтига барака ҳадя этади, экран эса вақтни киши билмас ўтказиб юборади.

Уйкуни яхшилаш учун оддий қоидалар бор, улардан энг биринчиси: ухлашдан бир соат аввал экранлардан воз кечишдир. Уйкуни бекорга сарфланган вақт деб эмас, эртанги кун учун энг муҳим сармоя деб билиш лозим. Чунки яхши ухлаган инсон фақат соғлом бўлибгина қолмайди – у яхшироқ ўйлайди, кўпроқ англайди, чуқурроқ ҳис қилади ва ҳаётнинг энг гузал лаҳзаларини ҳам экран орқали эмас, ўз кўзи билан кўра олади. Тиниқий уйгонган одамлар кечирувчан, мулоҳазали, камтар бўлиши аниқланган.

Авваллари ғафлат деганда уйкуда бўлиб, бирор ҳодисадан беҳабар қилиш айтиларди. Бугун эса уйкусизлик инсоннинг саломатлиги, китобхонлиги, тафаккур қилиш неъматларидан ғафлатда қолиб, бебаҳра бўлишини англатмоқда. Чиндан ҳам, XXI асрнинг ҳақиқий ғафлати шунда: биз уйкуни сонсиз ахборотларга алмаштирямиз. Ҳолбуки, яхши уйқунинг ўзи ҳам мазмунли ҳаётнинг энг муҳим шартларидан бирidir.

Гули ИКРОМ қизи

Jadid
adabiy, ilmiy-maʼrifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Бош муҳаррир:
Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Масъул котиб: Шўхрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Гулчеҳра Умарова

Адади – 18 478
Шундан:
Кирилл ёзувида – 6 889
Лотин ёзувида – 11 589
Медиа кузатувчилар – 91 277
Буюртма: Г – 739
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 20:00

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ